Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 189 (9685). • 1989 йил 6 октябрь • жума • Баҳоси 3 тийин.

МАШИНАЛАР УНУМИ

БЕКОБОД районидаги Дзержинский номли колхозда бир неча йилдан буён терим машиналаридан самарали фойдаланилмоқда. Ҳар йили умумий ҳосилнинг асосий қисми терим агрегатлари бункеридан тўкилади. Бу йил ҳам мавсумда улар қувватидан тўлиқ самара олиш учун барча имкониятлар ишга солинди. Ғўза барги сифатли тўктирилди.

Ишнинг пухта бошланиши дастлабки кунларданоқ терим суръатининг кўтарилишини таъминлади. Ўтган кунн мавжуд 30 та терим агрегатнинг ҳаммаси далага олиб чиқилди. Уларнинг ҳар бирида ўртача 10 тоннадан пахта терилди. Турсунали Тўхтамосов, Мамажон Ғофуров, Отамурод Саъдуллаев сингари механик-ҳайдовчилар чинакамига жасорат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг ҳар бири кунига 20—25 тоннадан пахта термоқда.

Колхозда фақат машина теримига эмас, қўл теримини ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳар кунн далада 850 киши теримда иштирок этмоқда. Уларга ҳар килограмм хом ашё учун 15 тийиндан ҳақ берилмоқда. Иккинчи теримда бу 20 тийинга кўтарилади. Бундан ташқари беш кунлик якунига кўра ғолиб чиққанлар моддий рағбатлантириб борилмоқда.

Хўжаликда ўн иккинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида 1847 гектар майдондаги пахтадан 4580 тоннаник хирмон уйиш режаланган. Бу топшириқ ҳадемай адо этилади. Чунки кунлик суръат шундан далолат бериб турибди. План эса 60 фоиздан ошди.

К. БЕГМОНОВ.

ЯНА ИККИ ЗВЕНО МАРРАДА

БУКА (Телефон орқали олинди). Райондан ҳар кунн кетма-кет хушхабарлар келиб турибди. Ўтган кунн Мичурин номли колхознинг яна икки звеноси ғалаба рапортига имзо чекди. Абдуманнон Кукузов бошчилик қилаётган пудратчи звено аъзолари 13 гектар ерда деҳқончилик қилиб ҳар гектар майдондан 23,5 центнер ўрнига 26 центнердан хом ашё йиғиштириб олдилар. Ҳосилнинг асосий қисми техника ёрдамида терилди.

Унинг ҳамкасби Алибек Пернабеков етакчилигидаги звено коллективи ҳам ҳосилдорликни гектар бошига 25 центнердан оширди. Улар йиллик планни беш иш кунида бажаришди.

Ҳар иккала пудратчи звено аъзолари йиғим-теримни жадал давом эттиришмоқда. Имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, ҳосилдорликни гектар бошига 30 центнерга етказиш юзасидан мажбурият қабул қилишди.

О. МАДАЛИХОНОВ.

ҲАММАСИ БИРИНЧИ НАВГА СОТИЛДИ

ҒАЛАБА районидаги «Коммунизм» совхози деҳқонлари меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларн катта самара келтиришнн тажрибадан ўтказганлар. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда бу ерда пудрат асосида ишлаётган коллективлар сафи ортиб бораяпти. 1989 йил бошидан ана шу асосда иш юритган Улуғбек Мамадалиев бошлиқ оилавий бригада аъзолари районда биринчи бўлиб йиллик планни бажардилар.

Бригадада 11 киши меҳнат қилади. 21 гектар ер бор. Шу кунгача давлатга 56 тонна ўрнига 61 тонна пахта сотилди. Терилган хом ашёнинг 100 фонзи биринчи навга қабул қилинди. Оила аъзолари қабул пунктларига яна 25 тонна пахта етказиб беришга аҳд қилишди.

О. СУФИХОНОВ.

«ҲОСИЛ-89» *«ҲОСИЛ-89»*

ХИРМОНГА БАРАКА!

Чиноз районн деҳқонлари ҳам ғанимат дамлардан унумли фойдаланиб, суръатни кучайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Пахта тайёрлаш заводига ҳосил ортган машиналар турна қатор келиб-кетиб турибди. Суратларда: Собир Раҳимов номли колхоз аъзоси Абдунаби Йўлдошев ва Чиноз пахта тозалаш заводининг ходими Нағизхон Сулаймоновлар ҳосил сифатини кўздан кечирмоқдалар; хирмонда.

Е. БОТИРОВ суратга олган.

БИР КУНДА БАЖАРИШДИ

АЙРИМЛАР бу гапга ишонишмайдн. Лекин ҳақиқат. Бу ҳақиқатни мирзиқор деҳқон Абдусаттор ака Соатов юзага чиқарди. У оиласи билан 15 гектар пахта майдонини пудратга олган эди. Хўжалик билан шартлашиб сўнг ишга киришди. Аввало ерни экишга текис қилиб тайёрлади. Уруғликни ўзи саралади. Бехато ундириб олди. Ғўза парваришида бутун оила аъзолари, дам олиш кунлари эса ҳатто қариндош-уруғлари ҳам қатнашди. Экин бақувват бўлиб ўсди. Унча-мунча касалликка, офатга бўйин бермай серҳосил бўлди.

Абдусаттор ака экишга тайёргарлик ишларининг ҳам бекамукўст бўлиши учун жон куйдирди. Ўзлари учун ўзлари астойдил меҳнат қилдилар-да. Ғўза барги сифатли тўктирилди. Кўсакларнинг кам дегида 80 процентн очилишини кутиб турдилар. Механизатор билан келишиб олишган эди. У Абдусаттор аканнинг рухсати билан агрегатнни далага олиб кирди. Ғоятда унумли ишлади. Бир кунда 42 тонна пахта тайёрланди. Ҳар гектардан 28 центнердан ҳосил йиғиб олиниб план бажарилди.

Бу планнинг бажарилишига Абдусаттор аканнинг фарзандларн Мўътабар, Комила, Абдуғаннн Соатовлар ҳам муносиб ҳисса қўшишди.

Ҳали пудратчилар даласида ҳосил бор. Улар бу ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш учун бел боғлаганлар.

Ерлар ҳосилдан барвақт бўшагач, келгуси йилга тайёргарлик ишларига ҳам эрта киришиш, демакки, 1990 йилда ҳам мўл ҳосил олиш учун ҳамма имконнят бор.

Т. ҚОСИМОВ,
Пискент районидаги «Гулистон» колхози.

• Бизнинг суҳбат •

ИМКОНИЯТ БОР, СУРЪАТНИ ЯНАДА ОШИРАМИЗ

ҲАМИША ва ҳар қандай шароитда қийинчиликларни енгиш учун имкон топган, куч-ғайратнн аямайдиган деҳқон бу йилгн машаққатлн синовдан ҳам муваффақиятлн ўтмоқда. Бўка районида бўлганимизда бунга тўла ишонч ҳосил қилдик. Айнн кунларда район пахта тайёрлашда олдинги ўринларда бораётир. Лекин ҳали асосий кураш олдинда. Суръатни янада оширишн имкониятларн бор. Мухбиримиз район агросаноат бирлашмаси советкининг ранси Раҳим ЕҚУБОВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Раҳим Еқубович, ўзингиздан қолар гап йўқ. «Пахта иши» билан боғлиқ масалалар кўпгина деҳқонлар ҳаётида нохуш из қолдирди. Оз бўлмаса ҳамиша эл ардоғида бўлиб келган пахтакорлар ёмон отлиққа чиқиб қолаёздн. Хайрнят бу иллатнинг илдизн қирқилдн. Ана шу ҳолат пахта далаларн заҳматкашларн ишига салбнй таъсир этмадими? Бунинг устига месхетн туркнлари билан бўлган воқеалар...

— Таъсири бўлди, албатта. Бироқ меҳнаткаш деҳқоннинг психологияси шундайки, у кези келганида юрагидаги дардни тўкиб солади. Ҳасратини очиқ-ойдин айтади. Шу билан юрагини бўшатиб олади. Лекин меҳнатига келганда ҳеч вақт бўйин товламайди. Халқини, қолаверса, ўзининг тирикчилигини ўйлайди. Шу маънода оладиган бўлсак, пахтакорларимиз бу йил ҳам фидокорона меҳнат қилдилар. Ғўна-кудуратларини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, астойдил ишладилар. Табиий офат келтирган зиённинг ўрнини қоплаш учун қўлларидан келган барча юмушларни бажардилар. Мана энди кўриб турибсиз, натижа ёмон бўлмаяпти. Далаларимизда кундан-кун иш қизимоқда. Илғор пудратчи коллективлар, оилавнй звенолар, ижарачилар бирин-кетин маррага етиб келмоқдалар. Бу ҳақда матбуотда хабарлар берилди.

— Бу йил ҳам пахта тайёрлаш штабн фаолнят кўрсатаяптими?

— Ҳа, албатта, унинг ишини янгича ташкил этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Штаб аъзоларининг асосий фаолияти — энг муҳимн инсон омилига эътибор бериш учун қаратилган. Шу мақсадда йиғим-терим олдидан пахтакорларга хизмат этишга даъват этилган ташкилотлар мутасаддилари билан йиғилиш ўтказдик. Пахтакорларга ҳар йилдагидан кўра маданий-маиший, савдо хизмати кўрсатишга эътибор бериш учун қандай тадбирлар кўриш кераклиги ҳақида маслаҳатлашдик. Бу йиғилишда деҳқонларнинг вакиллари ҳам қатнашди. Улар бизларнинг иссиқ-совуғимизидан, рўзғоримизнинг бут ёки камчиллигидан хабар олиб турсангизлар бўлгани, у ёгини қўйиб беринглар, деб айтишди. Шунда кейин махсус тадбир ишлаб чиқдик. Бу тадбирда лоақал йиғим-терим мавсуми давомида пахтакорларга энг камчил рўзғор буюмлари: совун, чой, қанд, шакарни етказиб беришни асосий мақсад қилиб қўйдик. Бундай маҳсулотлар савдо ташкилотларининг омборхонасига эмас, тўғридан-тўғри хўжаликларга келтириб туширилмоқда ва ҳар бир хонадоннинг эҳтиёжи ҳисобга олиниб, тугун қилиниб тарқатилмоқда. Назаримда бу яхши натижа бераётир. Теримда кундан-кун кўп одам қатнашмоқда. Ҳақи нақд беріб турилибди. Агар районимизда кунига 5—6 процент пахта тайёрланаётган бўлса, ана шу хом ашёнинг бир проценти колхозчи, совхоз ишчиси бўлган теримчилар, қалб амри билан ёрдамга отланган отахонлар, онахонлар, хашарчилар ёрдамида терилмоқда.

— Маълумотлардан кўриниб турибдики, районда машина терими ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Анчадан буён айрим деҳқонлар, одамлар орасида гап юради. Ҳозирги машиналар талабга жавоб бермай қолди, уни такомиллаштириш, кам тўкадиган машиналар яратиш керак, дейишадн. Айримлар эса битта машина билан кунига 18—20 тонна пахта терилишига ишонишмайдн. Сиз бу ҳақда нима дейсиз?

— Мен бу гапларга тўла қўшилмайман. Тўғри, янги машиналар керак. Лекин борларидан оқилона фойдалана билиш муҳим-да. Машинанинг яхши ишлаши уч омилга боғлиқ. Биз бу омилга эътибор бердик. Биринчиси, назаримда ғўза баргини тўктиришни сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигидан кечиктирмасдан тўғри иш қилдик. Кўнгилдагидек бўлди. Иккинчидан, ҳар бир хўжаликда далаларни ўтдан тозалаш назоратда бўлди. Учинчиси, терим машиналарни тўғри созлашни механизаторлар доимий назоратга олдилар. Аксарият хўжаликларда бу тадбирлар ғоят сифатли ва ўз вақтида ўтказилди. Шунинг учун ҳам улар айни кунларда машина теримида яхши натижаларга эришмоқдалар. Ерга жуда кам пахта тўкилмоқда. Ҳамза номли, «Партия XIX съезди», Ильич номли колхозларда олиб борилаётган ишлар бунга мисолдир. Ҳозир районимизда мавжуд 17 ХВ-1,8 машиналарининг ҳар биридан кунига ўртача 6—7 тоннадан оширнб пахта терилмоқда. Сервер Усеинов, Саидназн Раҳмонов каби механизаторлар юқори кўрсаткичга эришмоқдалар. Улар бир кунда 18—20 тонна пахта термоқдалар. Далалар бир текис ва яхши тайёрланган. Шунинг учун ҳам машина бир меъёрда ишлаяпти. Ҳар ярим соатда бир бункер тўлиб турадн. Бир гектар ердан биринчи теримдаёқ 25 центнердан ҳосил йиғиштириб олинмоқда. Механизатор эрталаб иш бошлайди. Кеч қоронғу тушгунча ишлайди. Ана энди ҳисоблаб кўринг. Машина яхши созланган бўлса, у албатта, бемалол 20 тоннагача пахта териб беради.

— Пахтачиликда оила, ижара пудратчнлнк жорий этилиш истиқболини тушунтириб берсангиз! Айтишадики, пахтачиликда бу усулларни шартномадагидек тўлатўкис жорий қилиш қийин. Йиғим-терим бошланиб, вақт тиғиз келиб қолганда шартнома мажбуриятларн бузилиб кетади. Шу билан пудратнинг обрўсига путур етади...

— Бўлмаган гап. Мана бизнинг районда 3600 гектар, биргина «Кўкорол» совхозининг ўзидагина эса 881 гектар ер ижарачиларга бўлиб берилган. Тан олиш керакки, ижарачилар меҳнат қилган далаларда пахтанинг ривожи ва ҳосил тўплаши бошқа коллективларга нисбатан анча яхши бўлди. Улар ҳар бир ишни пишиқ-пухта бажаришди. Ижарачи оилавий звенолар пахтани фақат ўз кучлари билан териб олмоқдалар. Бунинг учун имконнят топмоқдалар. Улар шартноманинг бузилишига йўл қўймадилар ҳам. Бу оилаларнинг кўпчилиги биринчи машина терининг ўзидаёқ гектаридан 27—28 центнердан ҳосил олиб, планни бажариб қўйдилар. Демак, уларнинг келгуси йилдаги ишлари яна ҳам яхши бўлади. Биз буларнинг тажрибасини оммалаштириб келгуси йилда ижарачи, пудратчи пахтакорлар сафини янада кенгайтирамиз. Ҳосилни барвақт йиғиб-териб олган ижарачилар ерни ноябрь ойидан кечиктирмасданоқ шудгорлаб қўйишади. Тажрибадан маълумки, ер ана шу ойда шудгорланса келгусида шу ҳисобнинг ўзигагина ҳосилдорлик учтўрт центнердан юқори бўлади.

— 4-нав пахтанинг турганбитганн знён дейишадн, ҳозир хўжалик ҳнсобн, ўз-ўзини маблаг билан таъминлаш деган гаплар бор. Агар бунга амал қилинадиган бўлса, демак, бундай пахтаин термасдан қолдириб юборса ҳам бўларкан-да!

— Илгари шундай эди. Бу нав пахтанинг бир тоннасига бор-йўғи 210 сўм тўланарди. Ҳозир бу навнинг харид нархн 370 сўмга кўтарилган. Қуруқ гап бўлмасин, ҳисоблаб кўрайлик. Бу нав пахтанинг бир килограммига 20 тийиндан тўланган тақдирда ҳам тоннасига 200 сўм сарф бўлади. 170 сўм фойда қолиб турибди. Хулоса шуки, бу йил катта қийинчиликлар билан ҳосил етиштирилди. Ҳаво ҳозирча деҳқонлар фойдасига ишлаб турибди. Табиатнинг бу саховатидан фойдаланиб қолиш керак. Иложи борича сифатли пахта териш учун ҳаракат қилиш зарур. Ҳукуматимиз катта ёрдам кўрсатди. Пахтанинг харид нархн ошгунига қадар, қўшимча ҳақ тўлашга қарор қилинди. Бу саҳоватнинг қадрига етиш, имкониятдан оқилона фойдаланиш талаб этилади. Биз ана шунга ҳаракат қилаяпмиз.

Ўйлайманки, районимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бундан буён ҳам уюшқоқлик кўрсатиб, терим суръатини кундан-кун ошириш, етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш учун астойдил ҳаракат қиладилар.

Суҳбатни Н. РИХСИЕВ олиб борди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ПАХТА ШТАБИ
«ҲОСИЛ-89»
ТЕЛЕФОНЛАР: 325647, 334048
334808, 325353

ТЕРИМ КУНДАЛИГИ

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 5 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — машина терими — бир кунлик; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Пискент	6,00	51,09	7,25	50,34
Оққўрғон	6,77	42,69	8,67	46,00
Бўка	6,27	40,15	8,08	44,69
Ўрта Чирчиқ	7,08	39,78	9,09	46,88
Бекобод	5,51	37,95	6,71	34,71
Чиноз	4,49	28,93	4,64	16,37
Коммунистик	6,00	28,28	7,31	34,63
Янгийўл	3,67	19,27	3,41	10,41
Ғалаба	4,44	12,76	5,35	14,54
Область бўйича	5,71	34,71	7,00	35,11

СЕССИЯ КУНДАЛИГИ

Кремль, Калинин проспекти, «Москва» меҳмонхонаси, РСФСР советлари уйи — анъана бўлиб қолган шу жойда 4 октябрь куни СССР Олий Совети комитетлари ва комиссиялари ўз ишини давом эттирди.

СССР Олий Совети иттифоқ советининг меҳнат, нарх ва ижтимоий сиёсат масалалари комиссиясида мамлакатнинг 1990 йилги плани ва бюджети лойиҳалари кескин ва қизғин муҳокама қилинди.

Атиги битта бўлса ҳам, аммо жуда муҳим масала: «Ижтимоий-маданий соҳанинг моддий-техникавий базаси» деган масала хусусида гап борди.

Ижтимоий жиҳатдан ҳимояга муҳтож бўлган меҳнаткашларнинг: аҳоли кам даромадли табақаларининг, ветеранлар ва инвалидларнинг, ёшларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олишга, айниқса, эътибор билан қаралди. Баъзи рақамларга қулоқ беринг: келгуси йилда 2,4 миллионта квартира миқдорида уй-жой қуриш мўлжалланмоқда. Айниқса, қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилиши, шунингдек кооператив усулда уй-жой қурилиши анча ортади. Иккинчи турар жой — дала ҳовлиларда ўрнатиладиган уйчалар ишлаб чиқариш муаммоси ҳозиргидан кўра жадалроқ ҳал этилади. Соғлиқни сақлашга ажратиладиган маблағлар кўпайтириладн, оналик ва болаликка устун даражада эътибор берилади. Санаторий-курорт соҳасининг моддий-техникавий базаси мустаҳкамланади. Халқ таълимига ва маданиятига кўпроқ маблағ сарфланади.

* * *

Халқ соғлиғини сақлаш комитетининг мажлисида давлат ижтимоий суғуртасидаги ишларнинг аҳволи билан боғлиқ бўлган масалалар кўриб чиқилди. Давлат плани билан давлат бюджетининг шу мавзуга оид кўрсаткичларини комитет группаси таҳлил этиб чиққанида шундай қатъий хулосага келинди: 1990 йил учун тақдим этилган ҳужжатлар план билан бюджетни ижтимоий соҳага буриб юбориш сиёсатини етарлича акс эттирмайди. Аввало капитал маблағлар балансини ноишлаб чиқариш соҳага ўзгартириш сустлиги кўриниб турибди. Соғлиқни сақлашни пул билан таъминлаш унчалик кўпайтирилмаган. Бу соҳанинг аҳволини яхшилаш учун кўпроқ маблағ керак.

Нафақа ва пенсиялар тўлашнинг тўғрилиги, касалга чалинишнинг олдини олиш ва камайтириш, санаторий-курортлардаги хизмат даражаси, меҳнат шароитлари ва уни муҳофаза қилиш ҳақида ҳам гапирилди.

Комитет келгуси йилда соғлиқни сақлашга ажратиладиган маблағни бир неча миллиард сўм миқдорида кўпайтиришни таклиф қилади. Аммо бу чора ҳам аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги жамики вазифаларни ҳал эта олмайди, албатта. Комитет раиси СССР Медицина фанлари академиясининг академиги Ю. И. Бородиннинг бу хусусдаги фикри қуйидагича:

— Соғлиқни сақлашнинг давлат программаси бўлиши керак, Бундай программа тузила бошлаган эди, аммо дурустроқ қўллаб-қувватланмади. Соғлиқни сақлаш министрлигидан ташқари бу программага 24 та идора жалб этилган эди.

* * *

Иттифоқ савдо министрининг СССР халқ депутатлари олдида бир неча кун муқаддам сўзлаган нутқи «харидорнинг фарёди» деб баҳоланган эди. Чоршанба куни мамлакат Олий Советининг лиқ тўла залларидан бирида яна мана шу аччиқ ибора такрорланди. Бу ерда мамлакатимизнинг «лоқайд маиший хизмати» иллатлари ва истиқболлари муҳокама қилинди. Халқ истеъмоли моллари, савдо, аҳолига коммунал-маиший хизмат ва бошқа хизматлар кўрсатиш комиссияси бу ўлдажўлда бўлиб қолган соҳани ривожлантириш муаммоларини кўриб чиқди. СССР Алоқа министрлиги ва СССР давлат моддий-техника таъминоти комитети, «Интурист» ҳамда СССР давлат физкультура ва спорт комитети, РСФСР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги, Уй-жой ва коммунал хўжалиги министрлиги, Автомобиль транспорти министрлиги ҳамда бошқа идоралар томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш ишлари шу соҳа билан боғлиқдир.

Бу хусусда аниқ-равшанроқ гаплашиб олиш мумкин бўлур эди. Аммо давлат миқёсидаги таг-заминли таклифлар кўп бўлмади. Ҳар ҳолда депутатлар умуман мамлакатнинг келгуси йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти планининг аҳолига хизмат кўрсатишни ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланган бўлимига қўшилдилар. Амалий таклифлар эса бу планга янада кўпроқ аниқлик ва жўшқинлик бахш этмоғи лозим.

(ТАСС).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ОБУНА ДАВОМ ЭТАДИ

Ҳурматли газетхонлар! 1990 йил газета ва журналларн учун обуна қилиш муддати 1 ойга узайтирилиб, 31 октябргача давом этадиган бўлди. Келаси йил ҳам «Тошкент ҳақиқати» газетасини мунтазам олиб туришни истасангиз шу кунларда унга обуна бўлишни унутманг. Бунинг учун «Союзпечать» агентлигига ёки иш жойингиздаги, ўқув юртн ва турар-жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилсангиз бўлади. Улар сизни келаси йил матбуотн учун обуна қилиб қўйишади.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна исталган муддат учун чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Газетанинг ОБУНА БАҲОСИ бир йилга — 7 сўм 68 тийин, олти ойга — 3 сўм 84 тийин.

УЙ ҚУРМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ

ЧИНОЗДАГИ Олмазор посёлкасида район матлубот жамиятига қарашли «Қурувчи» магазини фойдаланишга топширилди. Унда уй қурилиши ва таъмирлаш ишлари учун зарур бўлган кўплаб ашёлар билан савдо қилинмоқда. Бу ердан аҳоли ўрмон хўжалиги маҳсулотлари, дурадгорлик, бўёқчилик, темирчилик анжомлари, уй жиҳозлари, рўзғор буюмлари ва бошқа турли асбоб-ускуналар харид қилиш имконига эга бўлди.

О. НУРУШЕВ.

● ПОЙТАХТДАГИ Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси энг кекса корхоналардан ҳисобланади. У ерда турли миллат вакиллари биргаликда меҳнат қилишади. Суратларда: бирлашманинг 2-цехи аъзолари грек қизи Н. Пададони, рус Н. Чернова, бошқирд аёли В. Шарафутдинова, корейс Л. Хе, тожик Л. Зайнутдинова ва ўзбек қизи Қ. Йўлдошеваларни кўриб турибсиз.

Суратчи Х. МИРЗАКАРИМОВ.

СОЦИАЛ СОҲАГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

ҲАМОН ЭСКИЧА ЙЎЛДАН

РЕСПУБЛИКА паррандачилик саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси 1995 йилгача бўлган даврга мўлжалланган социал-иқтисодий ривожлантириш программасида ўз фабрикалари ишчи-хизматчилари истиқомат қилаётган посёлкаларни лойиҳалаш ва қуришга, хизмат соҳаларини кенгайтиришга катта эътибор берган. Ҳозирги вақтда бирлашманинг 70 га яқин посёлкаси бор. Уларни ободонлаштиришга асосан социал ривожлантириш фондидан маблағ сарфланмоқда. Уй-жой минтақаларида инсон турмуши учун керак бўлган барча зарур шароитларни яратиб бериш тадбирлари амалга ошириляпти. Бунн Оржоникидзе районида жойлашган Тошкент тухум етиштиришга мўлжалланган ишлаб чиқариш бирлашмаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Бирлашма бош директори А. В. БОГРИН билан штатсиз мухбирмиз И. Ахметовнинг суҳбати шу хусусда бўлди.

— Етмишинчи йиллар ва саксонинчи йилларнинг бошларида кўплаб паррандачилик фабрикалари қурилди. Улар кенгайтириб борилди. Бироқ лойиҳаларда назарда тутилган уй-жой минтақаларини барпо этиш эътибордан четда қолди. Тўғрироғи бу муҳим масалага қолдиқ принципи асосида ёндашилди. Бирлашма ҳам бундай номаъқулчиликни бошидан кечирган бўлса керак?

— Турғунлик даврига хос бундай ёндашув бизнинг корхонамизда ҳам ўз аксини топди. Социал соҳага нотўғри муносабатда бўлиш ҳамон ўз таъсирини кўрсатмоқда. Паррандачилик фабрикаларини бир томонлама ривожлантириш уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига салбий таъсир қилди. Кўп жиҳатдан шу туфайли ҳам бирлашмамиз 1985 йилгача зарар кўриб ишлади. Бу планлаштирилган эди. Эндиликда бундай қилиб бўлмайди.

Республика паррандачилик саноати ва корхона раҳбарлари ўша вақтда ҳар қандай йўл билан планларни бажаришга интилдилар. Ваҳоланки, фан-техника ютуқларини жорий қилмасдан, тармоқ ходимларининг уй-жой ва маданий-маиший шароитларини яхшиламасдан бунга эришиб бўлмаслигини яхши тушунардилар, тушунсалар ҳам эътибор бермасдилар. Бизнинг фабрикамиз 1961 йилда маҳсулот бера бошлади. Фақатгина орадан етти йил ўтгач, унинг посёлкаси биринчи навбати шаклана бошлади. Бу навбатда жуда кам сонли уй-жойларни қуриш назарда тутилган эди. 1983 йилгача тузукроқ хизмат кўрсатувчи объект барпо этилмади.

— Қачон туб бурилиш бошланди?

— Корхонамиз 1985 йилда тараққиёт йўлига чиқиб олди. Худди шу вақтда маъмурият жамоат ташкилотлари бутун коллектив ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш қатори социал соҳани ривожлантиришга киришди. Бундан мақсад олдинги йилларда йўл қўйилган камчиликларни тезроқ бартараф этиш эди. Ўша йили олинган фойда яратувчилик фаолияти учун туртки бўлди. Албатта, социал соҳани ривожлантириш учун ажратилган маблағ жуда кам эди. Лекин энг муҳими бу соҳадаги иш бошлаб юборилди. Биз банкдан кредит ола бошладик.

Корхонамизда дастлабки вақтда 100 мингта товуқ боқилган бўлса, ҳозир деярли тўрт баравар кўпайди. Келгуси йили уларнинг сонини 450 мингтага етказиш ниятимиз бор. Бу асосан реконструкция қилиш ва техника жиҳатдан қайта ускуналаш ҳисобига амалга оширилади. Илғор усулларни қўллаш ишлаб чиқариш майдонидан фойдаланишни кўпайтиришга олиб келди. Натижада ҳар бир квадрат метрдан олинаётган маҳсулот ҳажми деярли икки баравар ошди. Реконструкцияни асосан ўз кучларимиз билан бажардик.

Бирлашмамиз бу йилги планни муваффақиятли уддаламоқда. Йил охиригача 112 миллион дона тухум етказиб бериш планини албатта адо этамиз. Бу ўтган йилдагидан 22 миллион дона кўпдир. Айни вақтда парҳез гўшт етиштириш графигидан ҳам ўзиб ишлаяпмиз.

Бирлашмамиз беш йилдан бери фойда кўрадиган корхоналар сафида бораяпти. Унинг иқтисодий кўрсаткичлари тобора яхшиланмоқда. Лекин фойдаланилмаётган резервларимиз ҳам бор. Уларни оқилона ишга солиш лозим.

Фаолиятимиз кўрсаткичларининг яхшиланишида социал соҳани ривожлантириш ҳақидаги гамхўрлик, инсон омилини ҳисобга олиш салмоқли роль ўйнайди. Шу туфайли ҳам ҳозирги вақтда корхонамиз муҳим ишчи кадрлар ва мутахассисларга эга.

— Социал программани амалга ошириш юзасидан қандай ишлар қилинди? Бу ишда қийинчиликлар ҳам бўлгандир?

— Ўзимизга боғлиқ бўлган барча юмушлар, одат бўйича, белгиланган муддатларда ҳеч қандай қийинчиликсиз ҳал қилинмоқда. Фикримизнинг далили учун бир мисол келтирмоқчиман. Биз бир мунча вақт илгари умумий овқатланиш ошхонаси биносини 14 минг сўмга сотиб олдик. Бу ошхона тартибсизликлари ва ифлослиги билан хўрандаларнинг норозиликларига сабаб бўларди? Таомлар пули ҳам «чақарди». Ҳозирги вақтда бинони фирма магазинига мосладик. Ходимларимиз учун кафе ҳам ташкил этилди. Уларга таомлар 70 процент арзон қилиб сотилмоқда. Харажатларни корхонанинг ўзи ва касаба союз комитети зиммасига олган. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Ҳа, эндиликда хўжалик ва партия раҳбарлари фақат ишлаб чиқариш ҳақида қайғурадиган вақт ўтмишга айланмоқда. Энг муҳими ишчилар ҳақида, уларнинг уй-жой, меҳнат ва маиший шароитларни яхшилаш ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилиш кераккан эди. Лекин энг муҳими бу соҳадаги иш бошлаб юборилди. Биз банкдан кредит ола бошладик.

Корхонамизда дастлабки вақтда 100 мингта товуқ боқилган бўлса, ҳозир деярли тўрт баравар кўпайди. Келгуси йили уларнинг сонини 450 мингтага етказиш ниятимиз бор. Бу асосан реконструкция қилиш ва техника жиҳатдан қайта ускуналаш ҳисобига амалга оширилади. Илғор усулларни қўллаш ишлаб чиқариш майдонидан фойдаланишни кўпайтиришга олиб келди. Натижада ҳар бир квадрат метрдан олинаётган маҳсулот ҳажми деярли икки баравар ошди. Реконструкцияни асосан ўз кучларимиз билан бажардик.

Бирлашмамиз бу йилги планни муваффақиятли уддаламоқда. Йил охиригача 112 миллион дона тухум етказиб бериш планини албатта адо этамиз. Бу ўтган йилдагидан 22 миллион дона кўпдир. Айни вақтда парҳез гўшт етиштириш графигидан ҳам ўзиб ишлаяпмиз.

Бирлашмамиз беш йилдан бери фойда кўрадиган корхоналар сафида бораяпти. Унинг иқтисодий кўрсаткичлари тобора яхшиланмоқда. Лекин фойдаланилмаётган резервларимиз ҳам бор. Уларни оқилона ишга солиш лозим.

Фаолиятимиз кўрсаткичларининг яхшиланишида социал соҳани ривожлантириш ҳақидаги гамхўрлик, инсон омилини ҳисобга олиш салмоқли роль ўйнайди. Шу туфайли ҳам ҳозирги вақтда корхонамиз муҳим ишчи кадрлар ва мутахассисларга эга.

— Социал программани амалга ошириш юзасидан қандай ишлар қилинди? Бу ишда қийинчиликлар ҳам бўлгандир?

— Ўзимизга боғлиқ бўлган барча юмушлар, одат бўйича, белгиланган муддатларда ҳеч қандай қийинчиликсиз ҳал қилинмоқда. Фикримизнинг далили учун бир мисол келтирмоқчиман. Биз бир мунча вақт илгари умумий овқатланиш ошхонаси биносини 14 минг сўмга сотиб олдик. Бу ошхона тартибсизликлари ва ифлослиги билан хўрандаларнинг норозиликларига сабаб бўларди? Таомлар пули ҳам «чақарди». Ҳозирги вақтда бинони фирма магазинига мосладик. Ходимларимиз учун кафе ҳам ташкил этилди. Уларга таомлар 70 процент арзон қилиб сотилмоқда. Харажатларни корхонанинг ўзи ва касаба союз комитети зиммасига олган. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Ҳа, эндиликда хўжалик ва партия раҳбарлари фақат ишлаб чиқариш ҳақида қайғурадиган вақт ўтмишга айланмоқда. Энг муҳими ишчилар ҳақида, уларнинг уй-жой, меҳнат ва маиший шароитларни яхшилаш ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилиш керак.

Ҳозирги вақтда ишчилар жуда суст ишламоқдалар. Бундай аҳволни оқлашнинг ҳеч қандай асоси йўқ. Планга мувофиқ мактаб шу йилнинг июль ойида ишга туширилиши керак эди. Мақсад 1 сентябрдан янги ўқув йилини бошлаш эди. Замонавий бу комплексда ишлаш учун ҳатто ўқитувчиларни ҳам таклиф қилиб қўйган эдик. Афсуски, улардан ўзр сўрашга мажбур бўлдик. Чунки орзиқиб кутилган воқеа содир бўлмади. Бош пудратчи мактабни фойдаланишга топширишни тўртинчи кварталга сурди. Бироқ ҳозир иш жуда суст бормоқда. Суръат шундай давом этадиган бўлса, мактаб қурилиши тугалланмай қолиши мумкин. Колонна раҳбарлари бизни, албатта, йил охиригача қуриб битказамиз деб ишонтиришмоқчи. Лекин қурилиш суръатида ўзгариш бўлмаяпти. Ҳатто ҳозирги вақттача айрим махсус ишлар бошланганги йўқ. Пардозлаш ишлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Умумий қурилиш ташкилоти ишчилари сони ўттиз нафардан ошмаяпти. Бу эса жуда кам.

Ишга туширилиши назарда тутилган клуб қурилишидаги аҳвол бундан ҳам ачинарли. Бинокорлар йил бошида унинг асосини қуриб шу билан ишни тўхтатиб қўйдилар. Эндиликда клуб қурилиши биринчи механизациялашган колонна коллективи зиммасига юклатилди. Улар қачон ишга киришишларини ҳеч ким аниқ айтиб бера олмайди. Лекин, клубнинг 1989 йилда ишга тушмаслиги аниқ бўлиб қолди.

Қурилиш суръати қатори сифати ҳам катта ташвиш туғдирмоқда. Доим бракка йўл қўйиляпти. Натижада айрим объектларда бажарилган ишлар қайта қилинмоқда. Масалан, сув тўсқич иншоотлари ва қозонхона қурилишида шундай бўлди. Қозонхона қурилмаса ҳозирги вақтда салкам 3 минг киши истиқомат қилаётган посёлка иссиқ сув билан таъминланмай қолиши мумкин.

Посёлка аҳолиси икки йилдан бери сув ва иссиқлик билан ёмон таъминланганлик тўғрисида турли хил район ва область ташкилотларига шикоятлар қилавериб чарчади. Фақатгина янги иншоотлар бу муаммони ҳал қилиши мумкин. Бироқ бинокорлар бунга шошишмаяпти. Асосан 27-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна раҳбарлиги бу ерда айбдордир. Республика «Ўзагростой» бирлашмаси раҳбарлиги бу ерда таркиб топган аҳволни яхшилашга эътибор бериши лозим. Чунки унга қарашли бўлинма ижрочилик интизомини муттасил бузмоқда, шартнома мажбуриятларини назар-писанд қилмаяпти.

ҚАРОРЛАР ҚОҒОЗДА ҚОЛИБ КЕТМАСИН

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: КОМИТЕТНИНГ ИШ УСЛУБИ

ЯНГИЙЎЛ шаҳар партия ҳисобот-сайлов конференциясида шаҳар партия ташкилоти фаолиятининг барча соҳаларига оид 150 дан ортиқ танқидий фикрлар ва таклифлар билдирилган эди. Шаҳар партия комитети бюроси ва бўлимлари уларни ўрганиб чиқдилар, таҳлил этиб, умумлаштирдилар ҳамда бажариш юзасидан тадбирлар белгилаб, ижро этиш учун шаҳар Совети ижроия комитетига, бошланғич партия ташкилотлари, корхоналар ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарларига жўнатдилар.

Конференциядан буён тўққиз ой вақт ўтди. Хўш, шаҳар партия конференциясининг меҳнаткашлар қаётий манфаатлари акс эттирилган қарорлари, коммунистлари томонидан билдирилган танқидий фикрлар ва таклифлар қандай бажарилмоқда? Шаҳар партия комитетининг кейинги пленумида ана шу масала атрофлича муҳокама этилди.

Шуни айтиш керакки, пленумга шаҳар партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари шухта ҳозирлик кўрдилар. Шаҳар партия комитетининг пленумга доклади «Янгийўл» газетасида рус ва ўзбек тилларида эълон қилинди. Бу бошланғич партия ташкилотлари, шаҳар партия комитети аъзолари ва номзодларига шаҳар партия комитетининг конференциясидан кейинги фаолияти билан олдиндан танишиш, тўпланиб қолган муаммолар юзасидан пленумга рўй-рост, очиқчасига фикр юритиш имконини берди.

Докладда қайд қилинганидек, ҳозиргача шаҳар партия конференциясида тушган танқидий фикр ва таклифларнинг 28 таси бажарилди. 16 таси бажарилиш олдида турибди. 35 таклиф қисман бажарилди. Танқидий фикрлар ва таклифларни бажариш юзасидан ўз вақтида чоралар кўрилганлиги туфайли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича йилнинг етти ойига белгиланган планлар ошириб бажарилди. Йил бошидан буён шаҳарда фойдали сатҳи 7490 квадрат метр бўлган уй-жойлар, 140 ўринли болалар боғчаси ва бошқа социал-маданий объектлар фойдаланишга топширилди. Якка тартибда уй-жойлар қуриш учун 77 гектар майдонда 595 ер ажратилди. Йил охиригача ана шу мақсадлар учун яна 600 гектар ер ажратиш мўлжалланмоқда.

Шаҳарда экологик вазиятни яхшилаш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Биокимё заводи цехини экологик жиҳатдан тоза маҳсулот — пектин ишлаб чиқаришга мослаштириш, корхонанинг тозалаш иншоотини реконструкция қилиш масаласи ҳал бўлиш олдида турибди.

Бироқ, шаҳар партия комитети, унинг бюроси шаҳар ва районни социал-иқтисодий ривожлантириш программасининг бажарилишини етарли назорат остига олган деб бўлмайди. Натижада энг муҳим иқтисодий ва социал муаммолар ҳал этилмай қолмоқда. 8-гишт заводлари бошқармасида пишган ғишт ишлаб чиқариш бўйича етти ойлик план 92,9 процент бажарилди, холос. Буюртмачиларга мўлжалдагидан 3 миллион дона ғишт кам етказиб берилди. Корхонада шу йилнинг биринчи ярмида прогуллар ҳисобига 1257 иш куни бой берилди.

Шаҳарда халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг мавжуд резервлари ва имкониятларидан тўла фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Йўлқурилиш машиналари ремонти заводида бу йил атиги 20 минг сўмлик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш планлаштирилган, холос. Аҳолининг кир ювиш воситалари, айниқса, хўжалик совунига бўлган талабини қондириш мақсадида яқинда ёғ-мой комбинатида янги совун цехи қурилиб ишга туширилди. Бироқ ҳозир цехни тўла қувват билан ишлатиш йўлида муҳим муаммо — хом ашё билан узлуксиз таъминлаш масаласи кўндаланг бўлиб турибди.

Ёғ-мой комбинати «Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш бирлашмаси, пойабзал фабрикаси раҳбарлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш бўйича зарур чораларни кўрмаётирлар. Йилнинг ўтган даври мобайнида 3835 килограмм ўсимлик мойи, 6,5 тонна қандолат маҳсулотлари, 920 жуфт болалар пойабзали брак қилинганлиги бунинг далилидир.

Шаҳарда уй-жой муаммоси ғоят ўткирлигича қолмоқда. Қурилиш ишлари суръатининг сустлиги, объектларнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилмаслигига биринчи галда қурилиш ташкилотларининг моддий-техника базаси бўшлиги сабаб бўлаётир. 8- ва 9-хўжаликлараро ва 12-кўчма механизациялашган колонналарда инженерлик тайёргарлиги ва қурилишга раҳбарлик жуда бўшлигича қолмоқда. Лойиҳалаштириш ишларининг кечикиб кетаётганлиги ҳамда қурилиш учун ер ажратилмаганлиги туфайли қурилиш ташкилотлари 8 та кўп қаватли уй, 3 та болалар боғчаси, мактаб ва бошқа социал-маданий объектлар қурилишини ҳатто 1991 йил планига ҳам киритиб олмаяптилар.

Агросаноат комплексини ривожлантиришга қаратилган кўпгина қарорлар бажарилмай қолмоқда. Тимирязев номли совхоз, Ҳ. Турсунқулов номли колхоз ҳамда 7 бройлер-паррандачилик фабрикасида чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш бўйича конференция кўрсатмалари қониқарсиз бажарилмоқда. Ана шу хўжаликларнинг раҳбарлари А. Болғабоев, Р. Бўтабоев, Н. Ан ўртоқларнинг айби билан район бўйича гўшт тайёрлаш етти ойлик плани қорамоллар туёғини ўстириш плани бажарилмади. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4366 қўзи, 287 чўчқа боласи кам олинди.

Ҳозирги вақтда шаҳарда квартиралар олиш учун 3500 оила, ер участкалари олиш учун мингга яқин оила навбатда турибди. Ёғ-мой комбинати, мебель фабрикаси, автобус-таксомотор парки, 2503-автоколонна, 1-автобаза раҳбарлари ишчи-хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ҳақида жиддий ўйлаб кўрмаётирлар.

Пленумда шаҳар партия комитети, унинг бюроси ва аппарати эскича ёндашувлар, эскирган иш услубларидан ва шаклларидан тўла халос бўлмаганликлари танқид қилинди.

— Докладда бу йил колхозимизга тўла мустақиллик берилгани айтилган, — деди музокараларда сўзга чиққан Калинин номли колхоз правлениесининг раиси М. Аҳмаджонов. — Бироқ бу қанақа мустақиллик эканлигини тушуниш қийин. Чунки барча хўжаликлар қатори колхозимизга ҳам йил бошида давлатга қанча ва қандай маҳсулотлар етказиб берилиши ҳақида план берилди. Бу яхши. Аммо орадан кўп ўтмай қайси экинни қанча майдонга экиш бўйича кўрсатма олдик.

Шаҳар марказий шифохонаси бош врачи К. Ҳошимов соғлиқни сақлаш муассасаларининг мавжуд моддий-техника базаси талабга жавоб бермаётганлигини айтди. Болалар юқумли касалликлари камайиш ўрнига ортиб бораяпти. Бу уларнинг ифлосланган сув манбаларида чўмилишлари оқибатидир.

— Кейнинги бир ой мобайнида станциямиз ходимлари 189 текширув ўтказиб, умумий овқатланиш тармоқлари ва мактабгача тарбия муассасалари санитария ҳолатида жиддий камчиликлар мавжудлигини аниқладилар, — деди шаҳар санитария-эпидемиология станциясининг бош врачи Г. Неизвестних. — Текширув натижаларига кўра 8 та объект ёпиб қўйилди. 48 марта жарима солинди. Бироқ текширувларимиз натижасиз қолиб кетмоқда. Кўпгина мутасадди раҳбарлар бизнинг кўрсатмаларимизни бажаришмаяпти.

О. Қўчқоров номли 28-ўрта мактаб директори Т. Асроров бутун мамлакатда бўлганн каби районда ҳам халқ маорифига жуда кам маблағ ажратилаётганлиги, бунинг устига бу маблағнинг бир қисми ўзлаштирилмай қолаётганлигини таъкид қилди. Райондаги 55 та умумтаълим мактабидан кўпчилиги мослаштирилган биноларда жойлашган. Шунга қарамай янги мактаблар қурилиши суст бормоқда.

Музокараларда сўзга чиққанлар шаҳар партия комитети, унинг бюроси ўз иш услуб ва методларини такомиллаштириши сўз ва иш бирлигини таъминлаши лозимлигини таъкидладилар. Партия комитети қарорлар ижроси устидан доимий назорат ўрнатмаган. Кўпгина бюро қарорлари жойларга етиб бормаяпти. Қабул қилинган аввалги қарорлар бажарилмай турибди, янги қарорлар қабул қилиш қоллари тез-тез учрамоқда. Кадрларга топширилган иш учун талабчанликни кучайтириш, сайлаб қўйиладиган органлардаги коммунистларнинг масъулиятини ҳар томонлама ошириш борасида ҳам кўп иш қилиш лозим.

М. ПЕЙСЕНОВ.

ЁШЛАР ЭКОЛОГИЯ БИРЛАШМАЛАРИ

Тошкент «Ритм» ёшлар илмий-техникавий ижодиёти маркази Тошкент ва Тошкент областидаги атмосфера ҳавоси 2000 йилгача қай даражада ифлосланишининг экологик прогнозини ишлаб чиқди. Ишланмада шаҳар ва область саноати ҳамда қишлоқ хўжалигидаги экологик жиҳатдан зарар бўлган ишлаб чиқаришларнинг аҳволи таҳлил этилган.

Республикада ёшлар экология бирлашмалари тармоғи кенгаймоқда. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ҳузурида тузилган комиссия уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб турибди.

(ЎзТАГ).

«Интеркосмос-24» йўлдоши Чехословакиянинг «Магион—2» йўлдоши билан биргаликда учмоқда

ТАСС ахбороти

1989 йилнинг 28 сентябрь куни учирилган Ернинг «Интеркосмос-24» сунъий йўлдошидан 1989 йил 3 октябрь куни Чехословакиянинг «Магион-2» йўлдоши ажралиб чиқди, бу йўлдош ичида Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикаси, Совет Иттифоқи ва Чехословакия Социалистик Республикасида яратилган илмий ва хизмат аппаратлари ўрнатилган. «Магион-2» йўлдоши Совет Иттифоқида тайёрланган «Пульсар» двигатель қурилмаси билан жиҳозланган бўлиб, илмий тадқиқотлар программасига кўра йўлдошнинг орбитасини кўп марталаб ўнглаб қўйишга мўлжалланган.

Йўлдош ажралиб чиққанидан кейин иккита космик аппаратдан фойдаланиб «Фаол» лойиҳасининг илмий программасини бажаришга киришилди. Бу эса ер атрофидаги фазода содир бўлаётган плазма жараёнларини турли нуқталардан туриб айни вақтнинг ўзида тадқиқ этиш имконини беради. Тадқиқотлар программаси иккала йўлдошдаги илмий комплекс ишини лойиҳада ишторок этаётган мамлакатлар геофизика обсерваториялари ўтказаётган ердаги ўлчашлар билан мувофиқлаштириб туришни ҳам назарда тутади.

Чехословакиянинг «Магион-2» йўлдоши орбитаси «Интеркосмос-24» йўлдоши орбитасининг кўрсатқичларига яқиндир.

Йўлдошлар ичидаги системалар ва илмий аппаратлар нормал ишламоқда.

Совет Иттифоқи ва «Фаол» лойиҳасида қатнашаётган бошқа мамлакатларнинг ердаги станциялари йўлдошлардан олинаётган илмий ахборотни қабул қилиб, қайта ишлаб чиқмоқдалар.

● *Олимлар ҳақида ҳикоялар*

У БИРИНЧИЛАРДАН ЭДИ...

БУНДАЙ ўйлаб қарасам, кейинги ўн йилда замонавий математиканинг у ёки бу соҳалари бўйича биронта ҳам ўзбек қизи кандидатлик диссертациясини ёқламапти... Риёзиёт бошқа фанлардан қийин, «қиз боланинг иши» эмас, дейишлари мумкин, албатта...

«Биринчилар»га ҳамма вақт қийин бўлади. Биринчи бўлиб босиб ўтилган йўл оғир, машаққатлидир. Риёзиётдан биринчи ўзбек олимаси ким экан-а?

...Тошкент Давлат дорилфунунининг доценти, физика-математика фанлари номзоди, иқтидорли олима Дилбар Султонованинг риёзиёт оламига кириб келиши диққатга сазовордир.

— Мактабда ўқиб юрган кезларим эди, — дейди Дилбар Ҳожиевна. — Газеталар ёш, қобилиятли ва сергайрат олима, физика-математика фанлари номзоди, СССР Олий Советининг депутати, СССР Олий Совети Миллатлар Совети Раисининг муовини Маъсуда Муҳаммаджоновна Султонова ҳақида ёзишди. Онамларнинг ҳам исмлари Маъсуда, фамилиялари ҳам Султонова. Газетани олиб онамларнинг олдиларига югурдим. — Ойижон, мен ҳам келгусида математик олима бўламан, — деб газетани кўрсатдим. Маъсуда опа менинг иккинчи онам бўладилар. Қаранг исмлари ҳам, фамилиялари ҳам Сизники билан бир хил экан, дедим. Онам жуда қувондилар... Ўша воқеага мана 35 йил бўлипти... Мен ҳақиқатан ҳам математик олима Маъсуда Султоновадан сабоқлар олдим. У киши ишлаган кафедрада таҳсил кўрдим, номзодлик диссертациямни ёқладим. Маъсуда опадек дилкаш, талабаларга, кишиларга она каби меҳрибон, одил бир инсон билан чорак асрдан кўпроқ бирга, битта кафедрада ишладим, улардан ўргандим...

...Ҳа, Маъсуда опа Бекач опа ва Муҳаммаджон ака хонадонининг тўнғич фарзанди. Бу оилада олти қиз ва икки ўғил тарбияланиб, вояга етди...

Ёш Маъсудада илмга қизиқиш мактабдаёқ намоён бўлди. У Ўрта Осиё (ҳозирги Тошкент) дорилфунунининг риёзиёт факультетига ўқишга кирди. Машҳур олимлар В. И. Романовский, Т. А. Саримсоқовлар қўлида таҳсил кўрди. Келгусида академик бўлиб етишган С. Ҳ. Сирожиддинов билан курсдош эди. Маъсуда опадаги иқтидор ва ғайратни дарров пайқаб олган устод Тошмуҳаммад Алиевич Саримсоқов унга аспирантурага киришни тавсия қилди. Домланинг ўзлари Маъсуда опага илмий раҳбар бўлдилар. М. Султонованинг изланишлари, илмий семинарларда фаол иштироки, олимлар билан мулоқоти ўз натижасини берди — у 24 ёшидаёқ Москвада физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди. Бу тарихий воқеа 1946 йилда содир бўлди — риёзиётнинг энг замонавий ва қийин соҳаларидан бири — эҳтимоллар назарияси бўйича биринчи ўзбек олимаси етишиб чиқди.

Катта илмий мактабни ўтаган Маъсуда опа ўз билимини ёш талабаларга беминнат улашди. 1947—62 йилларда Тошкент Давлат университети физика-математика факультетининг декани муовини, декани бўлиб ишлади. Катта коллективга раҳбарлик қила олишини амалда исботлади. Унинг раҳбарлигида факультет жиддий ютуқларга эришди, талабалар сони ошди, факультетнинг илмий салоҳияти кучайди, физика-математика факультети иккита факультетга — физика ва механика-математика факультетларига ажралди.

Олима 1954 йили тўртинчи чақириқ СССР Олий Советининг депутатлигига сайланди. Депутатлар унга СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси муовини лавозимини муносиб кўришди. Опа бир неча марта Тошкент шаҳар Советига депутат қилиб сайланган. СССР Олий Совети Парламент группаси составида хорижий юртда ҳам бўлган. Маъсуда опа халққа ҳалол, сидқидилдан меҳнат қилди. Устоз Тошкентга республикамизнинг турли вилоятларидан, қўшни республикалардан ўқишга келган талабаларга, айниқса, қизларга ниҳоятда меҳрибон бўлиб, уларни она каби ўз бағриларига босардилар, оқилона маслаҳатлари, зарур бўлганда, моддий ёрдамларини ҳам аямасдилар.

...Маъсуда опанинг сингиллари ва укалари Воҳиджон опалари изидан боришди. Улардан бири — Машкура Султонова филология фанлари номзоди, таниқли олима, Беруний мукофоти лауреати...

Биринчи риёзиётчи олима узоқ йиллар давомида номзодлик илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш котибаси бўлиб ишлади, неча ўнлаб ёш олимларга устозлик қилди. У киши диссертация ҳимояси билан боғлиқ ишларни тез ва тадбиркорлик билан юқори савияда бажарар эдилар.

Маъсуда опа чуқур илмий натижаларнинг муаллифи бўлишлари билан бирга талабаларга атаб ўқув қўлланмалари ҳам ёздилар, рус тилидаги қўлланмаларни ўзбекчага таржима қилдилар.

Ҳукуматимиз М. Султонованинг фан ва олий таълим жабҳасидаги катта хизматларини инобатга олиб, уларни қатор орден ва медаллар ҳамда Фахрий ёрлиқлар билан тақдирлаган. Риёзиёт бўйича биринчи ўзбек олимаси ҳозир кексалик гаштини сураётган бўлсалар-да, ўз қимматли маслаҳатлари, ҳаётий тажрибалари билан доимо ўртоқлашиб турадилар. Маъсуда опамиз ҳамон бизнинг сафимиздалар!..

Мирфозил МИРЗААҲМЕДОВ,

физика-математика фанлари номзоди.

ИНСОН ВА КОИНОТ

Тошкентда «Коинотда инсон» деб аталган VIII халқаро анжуман ўз ишини тугатди. Унда жаҳондаги 20 мамлакатдан келган 200 дан ортиқ олим, космонавт, астронавт, космик тадқиқотлар миллий марказларининг ходимлари қатнашдилар. Анжуман сайёраларараро саёҳатлар, инсоннинг узоқ учиш шароитидаги имкониятлари, коинот радиобиологияси ва экологияси муаммоларига бағишланган бўлиб, астронавтика халқаро академияси (Франция) раҳнамолигида ўтди.

Инсон учун космоса учиш катта синов ҳисобланади, деди икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт учувчиси В. А. Жонибеков. — Ҳар бир парвозда кўпдан-кўп янгиликлар қўлга киритилади ва биз инсон табиат объекти нуқтаи назаридан қаралганда нима эканлигини ишдан олиш ва уларни тайёрлаш усуллари такомиллаштирилиши зарур. Вазнсизлик ҳолатига ноҳуш таъсирнинг олдини олишда фойдаланиладиган воситалар самарадорлигини ошириш учун ҳали кўп иш қилиш керак. Космик аппаратлар ичида кишилар ҳаёт кечиришини таъминлайдиган автоном экологик системаларни яратиш вазифаси олдимизда турибди. Космонавтика жаҳоншумул экологик муаммоларни ҳал этишда ҳам ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.

Ҳозирдаёқ одам бошқарадиган экспедицияларнинг Марсга парвоз қилиш лойиҳалари аниқ-равшан бўлиб қолмоқда. Инсоннинг коинотга учишини тиббий, биологик жиҳатдан таъминлаш борасида ўтган йилларда ортиб ирилган тажриба коинот йўлларига бўлғувси қадамлар учун яхши замин бўлади.

Анжуман доирасида совет ва чет эл космонавтлари билан матбуот конференцияси ўтказилди, «Астронавтика ва экология» ҳамда «Сайёраларараро парвозлар» мавзуида давра суҳбатлари бўлди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Қонунлари лойиҳалари муҳокамада

ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИНИ ХАЛҚ БИЛСИН

ЎЗБЕКИСТОН ССР Конституцияси (Асосий Қонун)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси хусусида республикамиз меҳнаткашлари ўзларининг турли таклифларини билдиришмоқда. Шубҳасиз қонунимиз социалистик демократияни ривожлантириш, халқнинг давлатни бошқариши, республикада давлат аппаратига кирувчи органларнинг фаолиятини такомиллаштиришга ва жамият ҳаётининг бошқа муҳим масалаларини ривожлантиришга йўл очиб бериши керак.

Ўзбекистон ССР Конституциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар халқ депутатлари Советларининг системаси ва фаолияти принципларига, сайлов системасига, Ўзбекистон ССР Давлат ҳокимиятининг ва бошқарувининг олий органлари ҳамда суд, прокуратура ва бошқа давлат органларининг фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган. Бу ҳол Ўзбекистон ССР Конституциясидаги барча бобларни ўзгартирмайди. Шунинг учун Конституциянинг баъзи бобларини эмас, барча текстини қайта қуриш, Ўзбекистон ССР Конституциясининг лойиҳасини қабул қилиш керак.

Конституциянинг кириш қисмини ва бошқа бобларини социалистик жамиятнинг ҳозирги ривожланиш даврига мослаштириб, энг аввало кириш қисмидан «ривожланган социалистик жамият» иборасини олиб ташлаш лозимдир.

Биринчи моддаларнинг матнини эса қуйидаги таҳрирда берилишини таклиф қиламан: «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ишчилар, деҳқонлар ва зиёлилар, барча миллат меҳнаткашларининг ирода ва манфаатларини ифодаловчи социалистик ҳуқуқий давлатдир».

Ўзбекистон ССР Конституциясида барча давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва давлат аппарати системасининг фаолиятини кўрсатиш керак. Лойиҳада халқ депутатлари маҳаллий Советлари, Ўзбекистон ССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва бошқа органларнинг системаси кўрсатилган. Гражданлар республикада қайси министрлик ва комитетларнинг борлиги ҳамда зарур бўлганда уларга мурожаат қилишлари учун алоҳида моддада давлат бошқарувининг марказий органлари ҳисобланган министрлик, муассаса ва давлат комитетларининг рўйхатини бериш зарур.

СССР Конституциясининг 95-моддасига асосан лойиҳанинг 88-моддасига «кўп мандатли» сўзини қўшиб уни қуйидаги таҳрирда бериш керак: «Барча халқ депутатлари Советларига депутатлар сайлови бир мандатли ва кўп мандатли сайлов округлари бўйича умумий, тенг ва тўппа-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади».

Ўзбекистон ССР Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳасининг «Халқ депутатлари Советининг системаси ва фаолияти принциплари» номли 9-бобида Советлар давлат ҳокимиятининг сиёсий негизини ташкил этишлиги тўла очиб берилмаган. Бу бобнинг янги таҳрири амалдаги Ўзбекистон ССР Конституциясининг 2-моддаси билан боғланмаган. Бунда халқ давлат ҳокимиятини Ўзбекистон ССРнинг сиёсий негизини ташкил этган халқ депутатлари Советлари орқали амалга оширади, дейилган. Лойиҳада «сиёсий негиз» сўзи маҳаллий ва олий Советлар фаолияти билан боғлаб берилиши керак.

Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида меҳнаткашларнинг оммавий ташаббусларини ўстириш, социалистик демократия ва ўз-ўзини бошқарувни чуқурлаштириш мамлакатимизни социал-иқтисодий ривожлантиришни тезлаштиришнинг асосий шартларидан бири эканлиги кўрсатилган эди. Шунинг учун лойиҳадаги 87-модданинг 1-қисмини қуйидагича ўзгартириш лозим деб ўйлайман: «Халқ депутатлари Советларининг фаолияти коллектив, демократик ва ўз-ўзини бошқарув асосларида ташкил этилади...» ва сўнгра матн давом этади.

Лойиҳанинг 116-моддасида кўрсатилганидек, Ўзбекистон ССРда Конституцион назорат комитети янги органдир. Комитет Ўзбекистон ССР Олий Совети сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислардан раис, раис ўринбосари ва комитетнинг 9 аъзоси, шу жумладан Қорақалпоғистон АССР вакилидан иборат составда 10 йиллик муддатга сайланади.

Бу комитетга сайланган шахслар ўз вазифаларини бажараётганда мустақил бўлиб, фақат Ўзбекистон ССР Конституциясига бўйсунадилар. Социалистик ҳуқуқий давлатни бундай органсиз амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун Ўзбекистон ССРда Конституцион назорат комитетини ташкил этиш ва унинг фаолиятини белгилаш масалаларини бир моддада эмас, балки алоҳида бобда берилишини маъқул деб ҳисоблайман.

Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш ва қайта қуриш шароитида ошкоралик механизмини янада кенгайтирмоқ лозим. Шунинг учун Ўзбекистон ССРда қонунлар қабул қилиш тартибини аниқ кўрсатиш зарур. Чунки, гражданлар қонунни қабул қилиш тартибини ва унинг босқичларини билмайдилар. Чунончи, қонунни фақат Ўзбекистон ССР Олий Совети қабул қилади. Қонун қабул қилиш тартиби тўрт босқичдан иборат бўлиб, булар қонун лойиҳасини киритиш, уни муҳокама қилиш, қабул қилиш ва эълон қилишдан иборатдир.

Шунинг учун Ўзбекистон ССР Конституцияси 107-моддасининг охирги қисми қуйидаги таҳрирда тўлдирилишини таклиф этаман: «Қонунни қабул қилиш жараёни тўрт босқичдан: Қонун лойиҳасини киритиш, муҳокама қилиш, қабул қилиш ва эълон қилишдан иборатдир. Ўзбекистон ССР Олий Совети қабул қилган Қонунлар ва сессиянинг стенограммаси матбуотда эълон қилиб борилади».

107-модданинг охирги сатрбошисига «қонун чиқариш ташаббуси» сўзи қўшилиб, қуйидагича берилиши керак: «Жамоат ташкилотлари ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўзларининг республика органлари орқали қонун чиқариш ташаббусига эгадирлар.

К. ХОЛМУМИНОВ,
ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

● БЕКОБОД районидаги «КПСС XXV съезди» совхозининг Абдуваҳоб Ғойибов бошлиқ озуқачилик бригадасида 48 гектар майдондаги беда ҳозиргача тўрт марта ўриб олинди. Гектар ҳисобига 178 центнердан пичан тайёрланди. Суратда: бригадир А. Ғойибов.

М. ҚОРАБЕКОВ фотоси.

КЕНГ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ КУПАЙСИН

АҲОЛИ УЧУН

КАЛИНИН районидаги Свердлов номли ишлаб чиқариш комбинати коллективи бу йил камида 6 миллион 100 минг сўмлик турли-туман истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Ишчи-хизматчилар барча шартнома мажбуриятларини шараф билан бажариш мақсадида янги-янги резерв ва имкониятларини ишга солишмоқда. Шу туфайли белгиланган меҳнат марралари муваффақиятли эгалланмоқда. Аҳолига чойшаблар, ёстиқ жилдлари, ишчи коржомалари ҳамда бошқа кўплаб турдаги истеъмол буюмларини етказиб бермоқдалар. Шу юзасидан белгиланган ўтган тўққиз ойлик топшириқ ортиғи билан адо этилди. Пландагига қўшимча 2,5 процент миқдорида халқ истеъмол товарлари аҳолига етказиб берилди.

Корхонада тоборо авж олаётган социалистик мусобақада М. Аъзамов, П. Случков, И. Шодиҳўжаевлар раҳбарлик қилаётган бригадалар пешқадамлик қилишяпти. Улар топшириқларни 120 процентга етказиб адо этаяптилар ва фақат сифатли маҳсулот беришяпти.

Шартнома мажбуриятларини шараф билан уддалаш турли хил фондлар, шу жумладан, моддий рағбатлантириш фондининг кўпайишига олиб келмоқда. Натижада ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш юзасидан кўплаб чоратадбирларни амалга ошириш имкони туғилмоқда. Ҳозирги вақтгача иккита турар-жой биноси фойдаланишга топширилди. Уларда қатор оилалар ҳовли тўйлари ўтказишди. Коллектив маблағи ҳисобига яна бир 48 квартирали уйни қуриш ишлари яқинда бошлаб юборилади. Корхонанинг Янгийўл шаҳрида дам олиш зонаси бор. Унда ҳар йили ўнлаб ишчи-хизматчилар ўз саломатликларини мустаҳкамламоқдалар.

У. МУҲАМЕДОВ.

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ ҲУҚУҚЛАРИНИ ЧЕКЛАМАЙЛИК

СССР Конституциясига ўтган йили киритилган нодемократик ўзгартириш ва қўшимчаларнинг баъзиларини Жумҳуриятимиз Қомусига киритиш мўлжалламаётганлигига қўшиламан. СССР халқ депутатларининг бир қисми жамоат ташкилотларидан бевосита сайланиши Ўзбекистонда таклиф этилмаганлиги муҳокамага қўйилган Қонунлар лойиҳаларининг асосий ютуғидир.

Давлатнинг жуда катта ҳуқуқ ва ваколатга эга раҳбарларини (Олий Кенгаши Раиси ва унинг биринчи муовини) сайловчиларнинг ўзлари сайлашлари керак.

Фикримча, Жумҳурият Олий Кенгаши депутатлари 200—250 кишидан иборат бўлиб уларнинг асосий вазифаси депутатлик бўлиши керак. Улар лойиҳада (106-модда) кўрсатилганидек, йилда камида 3 марта йиғилсалар бу йиғилишларнинг ҳар бири камида 2 ой давом этиши зарур.

107-модданинг 2-бандида «ҳуқуқига эгадир» сўзлари олдидан «ташаббуси» деган сўз бўлиши керак.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Ҳайъати фақат раҳбар лавозимларга сайланган кишилардан иборат бўлиши, фикримча, тўғри эмас. Ахир бу Ҳайъатнинг ваколат ва ҳуқуқлари анча кенг. 110-модданинг 12-банди эса Жумҳурият мустақиллигини деярли йўққа чиқаради. Яъни, Ўзбекистон ҳудудида Ҳарбий ёки фавқулодда ҳолат эълон қилиниши масалаларини СССР Олий Кенгаши Ҳайъатида кўриб чиқишда иштирок этади. Эътибор беринг, мустақил ҳал этиш эмас, фақат иштирок этиш тўғрисида айтилган.

Лойиҳадаги Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ваколатларини қисқартириш мақсадга мувофиқдир. СССР халқ депутатлари биринчи Съездидаги кўп сайловлар қай даражада кулгили ва паст савияда бўлиб ўтганлигини эътиборга олиб, лойиҳанинг 112-моддасидаги 3- ва 4-бандларни бекор қилиш керак.

Лойиҳанинг 114-моддасида Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг қонунлари ва бошқа қарорлари одатда уларнинг лойиҳалари доимий комиссияларда дастлабки тарзда муҳокама этилгандан кейин қабул қилинади, дейилган. Фикримча, қонунлар қабул қилиниши тартибида «одатда» сўзини ўчириш керак (қарорлар учун эса қолдириш мумкин).

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши депутатлари даҳлсизлигига келсак, уни фақат Олий Кенгаш розилиги билан қамоққа (ҳибсга) олиниши мумкинлигини 115-модданинг 3-бандида таъкидлаш керак.

122-модда тушунарсиз ёзилган.

Муҳокама этилаётган Қонунда Ўзбекистон Совет Иттифоқи таркибидаги мустақил ва тенг ҳуқуқли Жумҳурият сифатида СССР Конституцияси (яъни Совет Иттифоқи тузилиши тўғрисидаги Шартноманинг ҳозирги кундаги кўриниши)ни ва унга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаши Совет Иттифоқининг Қонунлари улар Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши томонидан маъқулланганидан кейин Жумҳуриятимизда қонуний кучга киришини кўзда тутиш лозим. Худди шундай тартиб СССР Ҳукумати қарорларига ҳам тегишли бўлиши, улар Жумҳуриятимиз ҳукумати томонидан маъқулланганидан кейин жорий этилиши керак.

Яна бир таклиф: Ўзбекистоннинг барча раҳбарлари (жумладан, прокурори) жумҳуриятимизда сайланиши ва тайинланиши керак.

А. ПУЛАТОВ,
физика-математика фанлари номзоди, ТошДУ доценти.

ТАЛАБАЛАР ЎЗ ТИЛЛАРИДА ТАЪЛИМ ОЛИШСИН

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг Тиллар ҳақидаги қонун лойиҳаси мана уч ойдан берн турли муассасалар, ўқув юртлари, маҳаллаларда муҳокама қилинмоқда. Жумҳуриятимизнинг тилшунос олимлари, шоир, ёзувчилари қатнашган ана шундай йиғилишлардан бири Тошкент халқ хўжалиги институтида бўлиб ўтди.

Йиғилишни институт партия комитетининг секретари И. Санфназаров кириш сўзи билан очиб, давлат ҳаётн, иктимоий ва маданий соҳада миллий тилларнинг актив ишлатилиши тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиниши, республика номи қўйилган халқ тилининг шу республикада яшовчи бошқа миллат гражданлари, аввало болалар ва ёшлар томонидан ўрганилишини рағбатлантириш лозимлиги ҳақида сўзлади. Биринчи бўлиб сўзга чиққан профессор Аъзам Шерматов ўзбек тилига давлат мақоми бериш зарурлигини илмий йўсинда исботлаб бергач, туркий тиллар тарихига қисқача тўхталиб ўтди. XV аср ўрталарида туркий забон биринчи марта давлат мақомини олганини эслатди. Шунингдек йиғилишда шоирлар Муҳаммад Солиҳ, Мирзо Кенжабек, ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимовлар сўзга чиқиб талабаларнинг турли саволларига жавоб бердилар.

Тилшунос олимлардан Тошкент Давлат университети ўзбек тили кафедрасининг мудири Муҳаммаджон Қодиров, кафедра ўқитувчилари Мурувват Орипова, Насиба Мирзаева, Низомий номидаги педагогика институти рус группаларида ўзбек тили кафедрасининг мудири Боқижон Тўқиев, Тошкент халқ хўжалиги институтидан Шоди Каримов ва бошқалар ўзбек тилини бошқа тиллар қатори қадимий ва бой тиллардан бири эканлигини бир қанча қизиқарли мисоллар асосида баён қилиб беришди.

Анжуманни якунлаш учун сўзга чиққан институт ректори, иқтисод фанлари доктори Саидаҳрор Ғуломов талабалар фанларнинг барча жиҳатларини, уларнинг нозик томонларини тўла англаб олишлари учун ўз она тилларида билим олишлари мақсадга мувофиқдир. Ва шунинг учун ҳам ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши айни муддао бўлади, деди.

А. ТУРАЕВ.

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ТАҚДИР ЗАРБАСИ»

15 ИЮЛЬ, 1989 ЙИЛ

Мақола район ижроия комитетида муҳокама қилиниб, аниқ тадбирлар белгиланди. «Политотдел» колхози правлениеси Акбарали Умаралиевлар оиласига моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг уйини капитал ремонт қилиб бериш юзасидан қарор қабул қилди.

Мақолада Улуғ Ватан уруши инвалиди А. Умаралиев ва унинг болаликдан мажруҳ бўлиб қолган қизи Аноракга етарли медицина ёрдами кўрсатилмаётганлиги тўғри танқид қилинган. Бош врач ўринбосари В. Ф. Леоненко, собиқ бош врач И. А. Ким ва участка врачи З. П. Люларнинг айблари билан планда белгиланган тиббий ёрдам кўрсатилмаган.

Район марказий шифохонаси бош врачининг буйруғи билан В. Ф. Леоненко вазифасидан бўшатилди, участка врачи З. П. Лю маъмурий йўл билан жазоланди. Марказий шифохона кенгашида рўйхатда турган барча беморларнинг соғлигини мунтазам равишда кузатиб борниш, тегишли тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилаш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Район марказий шифохонаси ходимлари, мутахассислари А. Умаралиев ва Аноралариии медицина кўрсатмидан ўтказдилар. «Политотдел» қишлоқ шифохонаси бош врачи вазифасини бажарувчи М. К. Пак зиммасига ана шу онлага алоҳида врач ажратиш вазифаси топширилди.

М. МАҲМУДОВ,
Коммунистик район ижроия комитетининг раиси.

• Обидалар ҳам тарбия воситаси •

ШОХРУҲИЯ ТИКЛАНАДИМИ?

Оққўрғон районида тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш мавзусига бағишланган «Инсон ва тарих» илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Археология институти Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш республика ва Тошкент область кенгашлари, Оққўрғон район ижроия комитети, район халқ маорифи бўлими ва мактабларнинг география ва тарих ўқитувчилари, ўлкашунослар ташаббуси билан уюштирилган бу тадбирнинг Оққўрғонда ўтиши бежиз эмас. Районда қадимий обидалар кўп. Улардан Хонқа ва Шохруҳия қадимий шаҳарлари ЮНЕСКО ҳисобига ҳам олинган. Ўн йилдан знёд давр мобайнида бу ерда қазилма ишлари олиб борилмоқда. Обидаларни очиш, ўрганиш ва тарғибот қилишда тарих фанлари доктори, профессор Ю. Буряковнинг хизматлари катта. У бошчилик қилган экспедиция бу ерлардан кўп нарсалар топган. Унинг шогирдлари ёш олимлар М. Р. Тихонин, Г. И. Богомоловлар ҳам устоз изидан бормоқдалар. В. И. Набоков эса кўп йиллардан буён Шохруҳияда ёш ўлкашунослар билан ёдгорликни ўрганмоқда, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Конференцияда райондаги обидалар ҳақида, уларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболи тўғрисида сўз юритилди. Ю. Буряков. В. И. Набоков, республика тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти катта консультанти Л. И. Жукова, жамият область кенгаши раиси ўринбосари М. Мирсоатов, район педагоглари М. Тўлаев, М. Жўрабеков, ёш ўлкашунослар С. Иброҳимов, Р. Носиров, П. Вихляевлар ўз ишлари ва муаммолар ҳақида гапирдилар. Айниқса, жонкуяр педагоглар М. Тўлаев билан М. Жўрабековлар Эгартепа ва Усмонтепа ёдгорликлари ҳақида қайғуриб сўзлашди.

«Оққўрғон» совхози ерида жойлашган бу қадимий ёдгорликлар аянчли аҳволда, кундан-кунга емирилиб, йўқ бўлиб кетмоқда. Эгартепа ёдгорлиги территориясидан ғишт заводига тупроқ олинмоқда, ёдгорлик эса ҳалигача ўрганилмаган. Бу муаммо район раҳбарларини жиддий ташвишлантирмоғи керак. Обидаларимиз қандай бўлмасин сақланиб, улардан ёшларни тарбиялашда унумли фойдаланиш лозим.

Бу борада яна бир фикр ни айтиб ўтиш даркор. Районда тарихий обидаларни сақлаш ишида фақатгина район жамиятидаги ягона вакилимиз қатнашади. У ҳам атиги ярим маошга ишлайди. Ўз ишини севадиган бу ажойиб йигит кучини ҳам, вақтини ҳам аямайди. Унинг атрофида асосан юқорида номлари саналган кишилар йиғилган. Айниқса, М. Тўлаев ва М. Жўрабековларнинг ёрдами каттадир. Лекин район комсомол комитети негадир бу масалага бефарқ қарамоқда. Мактабларда маданий меросга эътибор етарли даражада эмас. Шунинг учун ҳам конференцияда ўқувчилар кўп қатнашгани йўқ. Айрим муаллимлар, мактаб раҳбарлари эса бу ишларни фақатгина тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти қилиши керак, деб ҳисоблайди. Шунинг ўзи уларнинг маданиятимизга, тарихимизга қандай муносабатда эканликларини кўрсатиб турибди.

Шуни ҳам айтиш керакки, районда ажойиб ишлар қилинмоқда. Шу йилнинг май ойида Шон-шуҳрат ёдгорлиги тикланди ва тантанали равишда очилди. Унда район партия комитети ва ижроия комитетининг роли катта бўлди. Лекин кўп ҳолларда бошқа ташкилотларда ана шундай партия ва совет органларидан буйруқ кутиб турадилар. Ўзлари эса жон қуйдириб, мустақил иш олиб боришга интилмайдилар.

Хонқа, Шохруҳия, Усмонтепа, Эгартепа ёдгорликларининг тақдири бизни ташвишлантирмоқда. Бу муаммолар тезроқ ҳал этилса яхши бўларди.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,
тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш область кенгашининг масъул котиби.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА
• МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР •

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ ПАНАМА. Генерал Норьегага қарши чиққан офицерларнинг бир группаси қаршилик кўрсатишни тўхтатиб, Панама миллий мудофаа кучларининг ҳарбий раҳбарларга содиқ қолган қисмларига таслим бўлди. Панама телевидениесининг давлат канали орқали шу ҳақда маълум қилинди.

Эшиттирилган хабарда Норьега ҳам, миллий мудофаа кучлари қўмондонлигининг бошқа вакиллари ҳам жабрланмаганликлари айтилади. Босиб олинган марказий казармаларни озод қилишга генералнинг шахсан ўзи бошчилик қилган.

Исён мутлақо маҳаллий тусда бўлди, деб таъкидлади телевидение. Исёнчилар фақат пойтахт территорияси билан чегаралардилар ва исён республиканинг ҳарбий муассасаларига ёйилмади.

✦ НЬЮ-ИОРК. Космик фазони ўзлаштиришда, энг аввало қуёш энергиясининг битмас-туганмас манбаларидан фойдаланиш мақсадида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш инсоният олдида турган бир қанча жуда катта муаммоларни ҳал этишнинг аниқ-равшан йўлидир. Америкалик олим, аэронавтика ва космик фазони тадқиқ этиш АҚШ миллий агентлигининг собиқ ходими Питер Глейзер шундай фикрни айтмоқда.

Қўшма Штатлар ва Совет Иттифоқи 20 йил давомида илмий-техникавий куч-қуввати космосда орбитага олиб чиқилган космик аппаратлар ёрдамида тадқиқотлар олиб бориш имконини берган ягона давлатлар бўлиб келдилар, деб ёзади у «Нью-Йорк таймс» газетасида. Энди бундай тадқиқотларда анчагина кўп давлатлар қатнашмоқда, шу сababли барча манфаатдор мамлакатлар учун космосни ўзлаштиришнинг ягона программасини ишлаб чиқиш иложи борича кўпроқ натижаларга эришиш билан бирга, унинг ҳар бир қатнашчисининг илмий тажрибаларни рўёбга чиқаришга сарфлайдиган молиявий харажатларини анча енгилаштиришга имкон берган бўлур эди.

✦ ЛИМА. Перуда ўта сўл «Сендеро Луминосо» ташкилотининг террористик фаолияти тўхтамаяпти. Фақат кейинги икки кеча-кундузданагина 20 га яқин полициячи ҳамда гражданлар унинг қурбони бўлишди.

Террорчилар Пальпа шаҳрида полиция участкасига ҳужум қилдилар. Отишма чоғида полициячилардан тўрт киши ҳалок бўлди, уч киши жароҳатланди. Сан-Хуан-де-Харпа округида округ алькальди ўлдирилди, Сатипо вилоятида эса судья ва бир савдогар ҳалок бўлди.

Ўтган душанба куни «Сендеро Луминосо» ташкилотининг жангарилари Перу пойтахтининг миллий конгрессдан уч даҳа нарида жойлашган бозорларидан биридаги ошхонага бомба ташладилар. Портлаш натижасида полициячилардан саккиз киши ва гражданлардан ҳам шунча киши оғир ярадор бўлди.

Перу матбуоти террористик ҳаракатлар кейинги вақтда кучайганлигини ўта сўл ташкилотнинг 12 ноябрга мўлжалланган мамлакат муниципал сайловини барбод этишга уринаётганлиги билан боғламоқда.

(ТАСС).

КУБА ҚЎШИНЛАРИ ОЛИБ КЕТИЛДИ

ЛУАНДА, 4 октябрь. (ТАСС). Ангола ва Куба ҳукуматлари бугун 1500 нафар кубалик ҳарбий хизматчини юртига жўнатиб, шу тариқа Куба ҳарбий қисмларининг ярмини Анголадан олиб чиқиб кетиш жараёнини ниҳоясига етказдилар, бу ишни шу йилнинг октябрь ойи охирида тугаллаш белгиланган эди, деди БМТнинг Анголадаги назорат вакиллиги бошлиғи, бразилиялик генерал Периклес Феррейра Гомес маҳаллий журналистларга.

Ноябрь ойининг биринчи ҳафтасида, деди у, Куба қўшинларини Анголадан олиб кетишнинг иккинчи якунловчи босқичини текширишга оид иш бошланади. Бразилиялик генерал ўз мажбуриятларини қатъият билан, бекаму кўст бажараётган Ангола билан Кубага миннатдорчилик изҳор этди.



● ЧССР. Атом энергетикасининг мураккаб муаммоларни ҳал қилишда социалистик мамлакатларнинг интеграция ва кооперация соҳасидаги ҳамкорликлари катта самара бераяпти. Чехословакияда бу борада катта тажриба тўпланган. Бу ерда тайёрланган реакторлар ГДР, Венгрия ва Польшада ишлатиляпти. Суратда: «Шкода» комбинатидаги цехда навбатдаги реактор йиғиляпти.

ЧТК — ТАСС фотоси.

ЯНГИ ЎҚУВ ПЛАНИ АСОСИДА

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, лекциялар ва лаборатория ишларини қайта қуриш талаблари даражасида ташкил этилмоқда. Янги ўқув планига мувофиқ лаборатория группалари сони 182 дан 410 га кўпайтирилди. Шунга кўра машғулотларни олиб бориш учун етарли шароитлар яратиб берилди.

Кейинги йилларда институтда маълум миқдорда пул иқтисод қилинган эди. Ана шу маблағ ҳисобига бошқа институт ва илмий муассасалардан етук мутахассислар жалб қилинди. Қардош РСФСР олий ўқув юртларидан бир группа профессорлар ҳам институтда ирригация бўйича ёшлар билан машғулотлар олиб бордилар.

С. ОДИЛОВА.

ШОИР ТАВАЛЛУДИНИНГ 575 ЙИЛЛИГИ

✦ ШУ кунларда буюк тожик классик шоири Абдурраҳмон Жомий таваллудининг 575 йиллиги кенг нишонланмоқда. Бунда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат адабиёт музейи коллективи ҳам фаол иштирок этаяпти. Чунончи улар Жомий экспозициясини ташкил этиб, уни қимматли экспонатлар билан бойитишди. Алломанинг ҳаёт йўли ва ижодий мероси акс эттирилган кўргазмага кирган томошабиннинг нигоҳи дарҳол марказдан ўрин олган «Жомий ва Навоий ижодий мулоқотда» деб номланган портретга тушади. Витриналарда эса Жомий қаламига мансуб бўлган «Юсуф ва Зулайҳо», «Куллиёт», «Ҳафт авранг», «Нафаҳот», «Унс» асарларининг литографик нашрлари намойиш этилмоқда.

Кўргазма томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ф. АСАДОВ.

«ЧИНОЗ МАЛИКАСИ» АНИҚЛАНДИ

✦ РАЙОН комсомол комитети ҳамда пионерлар уйи ҳамкорлигида «Чиноз маликаси» кўрик-конкурси ўтказилди. Ўнда Ғафур Ғулом номли 40-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси Хурсандой Қўчқорова конкурс ғолиби деб топилди ва Сочига бепул йўланма олишга муваффақ бўлди.

Райондаги Акмал Пўлат номли 26-ўрта мактаб пионервожатийси Маъсуда Раимова биринчи, Пушкин номли 1-мактаб ўқувчиси Малоҳат Азимова иккинчи, Ғофур Ғулом номли 40-мактаб ўқувчиси Дилфуза Усмонқулова эса учинчи ўринни эгалладилар. Бу қизлар бепул йўланма билан Олмаота, Душанбе шаҳарларига, «Октябрь 40 йиллиги» дам олиш уйига борадиган бўлдилар.

• Демократия мактаби •

ИТТИФОҚДОШ ва автоном республикалар бюджетини шакллантириш усулларидаги ҳар хиллик СССРдаги миллатларнинг тараққиёти учун нотекис шароитларни вужудга келтирди. Хозирги вақтда ўзини «иккинчи нав» деб ҳисоблаётган автоном республикаларда миллий онг қандай уйғонмоқда? Айрим мутахассислар ҳисоблаётганидек, янги Қорабоғ чақмоғи чақнаши, сабаби шу ерда эмасмикан? Татаристон автоном республикасида кўпгина миллий муаммоларни ҳал қилишни янги демократик ҳаракат — Татар жамоат маркази ўз зиммасига олди.

ТАТАР ЖАМОАТ МАРКАЗИ:

МАҚСАД—ИЖТИМОИЙ КУЧЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ

Бугун бу ерда жумҳуриятга иттифоқдош номини, татар тилига давлат мақомини беришни талаб қилишни олдинга сураётган митинглар бўлиб ўтмоқда.

Кишиларнинг эътиборини қайта қуриш қийинчиликларидан чалғитиш учун миллий муаммолар ўйлаб топилмаяптимикан, деган савол туғилади. Зероки, Татаристонда барча аҳолига нисбатан бор-йўғи 47,6 процент татарлар яшайди. Қолган аҳолини эса бошқа миллатлар (руслар, чувашлар, мордвинлар)нинг катта гуруҳлари ташкил этади. Татарларнинг тўртдан уч қисми, бу эса деярли 5 миллион киши, миллий жумҳуриятдан ташқарида яшайди. Маҳаллий аҳолининг муайян доиралари миллий ҳаракат фаоллари Татаристон фақат татарлар учун бўлиши керак, деб кураш бошламоқчи эмасмикинлар, деб хавотирга тушаётганликлари тушунарлидир. Тор фикр юритувчи «миллатчилар» деб аталадиган кишиларнинг ишлари ва вазифалари ҳақида жамоатчилик қанчалик «хабардор» эканлигини кўрсатувчи шундай мисол келтирамиз. Бошқирдистонда чиқадиган ёшлар редакциясида ишловчи ҳамкасбимиз бошқа масалалар қаторида биз бошқирдистон жумҳурияти территориясидаги татарларнинг каттагина гуруҳлари яшайдиган жойда татар автоном области тузишни истаётганлигимиз қанчалик ҳақиқат эканлигини билиш учун Қозонга ташриф буюрди. Журналистни бу ишончдан қайтаришга тўғри келди. Вақоланки, у шу турдаги ахборотларни бемалол билиши мумкин эди. Шундай бўлгач оддий фуқаролар ҳақида нима ҳам дейиш мумкин. Бу ерда гап фақат миллатни маънавий бирлаштириш ҳақида бормоқда.

Шундай қилиб, фақатгина 7 миллионли татар халқи эмас, шу билан бирга СССРнинг деярли 80 миллати вакиллари яшаётган Татаристонда қандай воқеалар содир бўлмоқда? Бир йил илгари бу ерда В. И. Ульянов — Ленин номидаги Қозон Давлат университети студентлари ва илмий ходимларнинг ташаббуси билан татар жамоат маркази (ТЖМ) тузилди. Унинг мақсади ижтимоий фикрни фаоллаштириш ва гражданларнинг ташаббусини жамиятни ва миллий муносабатларни қайта қуришнинг муҳим муаммоларини ҳал қилишга йўналтиришдир. ТЖМ ҳаракати қандай қилиб кенг қулоч ёзди ва республика доирасидан ташқарига чиқди? Бугун, ТЖМ раислари — мувофиқлаштирувчиларидан бири — Қозон университети тарих факультети КПСС тарихи кафедраси доценти М. А. Мулюковнинг баёнотига мувофиқ, ТЖМ сафларида 200 минг нафардан ортиқ киши бор, мамлакатнинг кўпгина регионларида кўмаклашиш группалари тузилган.

Нима учун ТЖМга бўлган ишонч «пастдан» келди? Миллий масалани ҳал қилишнинг ленинча принципларидан четга оғишлар фақатгина татар миллатинигина эмас, шу билан бирга умуман жумҳуриятнинг иқтисодий ва маънавий ривожланишида номутаносибликка олиб келди. ТЖМнинг маълумотларига кўра, СССР миқёсларида йирик саноат марказлари ҳисобланган Татаристонда маҳаллий ҳокимиятга бўйсунувчи фақатгина икки процент корхона бор. Унинг академик фани жуда қисиб қўйилган (ўз академияси йўқ, фақатгина Бутуниттифоқ академиясининг филиали бор). Бадиий кинематография, болалар ва ўсмирлар миллий театрлари ҳам йўқ. Кутубхоналарда ҳар бир кишининг китоблар билан ўртача таъминланиши русчада 6,3 китобни, татарчада 2,2 китобни ташкил этади. Барча умумий таълим мактабларида татар тили ўқитилмайди, ҳатто, миллий тил ўқитиладиган мактаблар ва синфлар бўлмаган шаҳарлар ва районларда марказлари бор. Татар тилини ишлатиш доирасининг кескин қисқариши кўзга ташланмоқда, шаҳардаги татар ёшлари ўртасида тилни инкор этиш кенгаймоқда. Бундай миллий сиёсатнинг оқибатларини ифодаловчи бир мисол келтирмоқчиямиз. Жумҳурият бўғинидаги минг нафар лекторнинг фақатгина 17 нафари татар тилида лекциялар ўқий олади. Татаристоннинг кўпчилик шаҳарлари ва районлари миллий тусини йўқотаётганлиги ҳам тушунарлидир. Ҳатто миллий тилдаги шиорлар кўпинча грамматик хатолар билан ёзилади. Бу муаммоларнинг ҳаммаси жонажон ўлка учун, ўз миллатининг тақдири учун қайғураётган ҳаммани анчадан бери ташвишга солмоқда. Шундай кишилар ТЖМга аъзо бўлмоқдалар. Чунки улар ТЖМ ўзининг куч-ғайратини ўзларини ташвишлантираётган барча адолатсизликларни бартараф этишга сарфлаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибдилар.

ТЖМнинг тузилиши анча оддийдир. Қатъий ҳисобот, аъзолик билетлари йўқ, бадаллар олинмайди. Молиявий ёрдам кўнгилли хайр-эҳсон кўринишида Татаристон республика ўй-жой-социал банкидаги ҳисоб счётида амалга оширилади. «Шахсга сиғиниш»нинг олдини олиш учун ТЖМ ташкилот комитети ишига бир қанча ранс —мувофиқлаштирувчилар раҳбарлик қилади. ТЖМ КПСС XXVII съезди ва Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қарорларини ўзининг ғоявий негизи деб тан олади. ТЖМ 2 та принципга территориал ва миллий (экстерриториал) принципга асосланган. Биринчи принципга мувофиқ Татаристон жумҳуриятидаги аҳолининг барча ташаббускор гуруҳлари фуқароларни бирлашадилар, иккинчисига эса Татаристондан ташқарида яшовчи татар аҳолисининг ташаббускор гуруҳлари киради.

Бугун бу ҳаракат миллати, социал, дин ва партияга мансублигидан қатъий назар республикадаги барча фуқароларнинг манфаатларини ифода этади. ТЖМ ҳузурида ёҳудий маданияти, қрим татар, чуваш секциялари пайдо бўлди. «Соф ислом» норасмий бирлашмаси ҳам ТЖМга гуруҳ сифатида кирди ва уни қўллаб-қувватламоқда. Бу бирлашма диний хусусиятга эга бўлиб, исломни бузишга қарши курашмоқда.

ТЖМни фақат миллий муаммоларни кўтараётган ҳаракат деб ҳисоблаш мумкин эмас. Унинг фаолларининг чуқур эътиқоди бўйича миллий масала «соф ҳолда» бўлмайди. Шунинг учун ҳам ТЖМ яна иқтисодий, социал, экологик муаммоларни ҳал қилиш билан ҳам шуғулланмоқда. Аппаратлар раҳбарлари эса ҳозирча у билан ҳамкорлик қилишни истамаяптилар. Область комсомол комитети ТЖМ билан яқин ҳамкорлик қилаётган ягона расмий ташкилотдир. Комсомол ходимлари марказ фаолларига область комсомол комитети ҳоналаридан бирини ажратиб бердилар, телефон қўйдирдилар. «Кичик обком»нинг бошпанаси ҳам ҳар ҳолда бошпана-да...

Тўғри, миллатлараро муносабатлар бўйича ўтказилган кейинги социологик тадқиқотлар республика раҳбарларини сергаклантирди. Бошқа миллатлар вакиллари томонидан ўз миллати тўғрисида ноҳуқмат билан айтилган фикрларни эшитишга тўғри келдими, деган саволга русларнинг 64 процента ва татарларнинг 71 процента маъқуллаб жавоб бердилар. Ҳозирги вақтда миллий сиёсатда қайта қуришни ўтказиш ролини ўз зиммасига кўнгилли олган ҳаракатни инкор этиш мумкин эмас.

Венера ЯКУПОВА,
(АПН).

ТОҒ ЖИЙДАСИ



● ОБЛАСТИМИЗ тоғ ёнбағирларидаги ёввойи дарахтларининг меваларн ғарқ пишди. Ёнғоқ, олма, жийда, бодом ва бошқа шу каби меваларр ёввойи жонивор лар ва паррандалар учун озуқа бўлмоқда. Қарангки, ҳатто тоғ ёввойи жийдаси тўтиқушга ҳам хуш келибди.

Суратчи

Х. МИРЗАКАРИМОВ.

• Бу—қизиқ

ТАСОДИФ ВА ИХТИРО

Италиядаги Падуан университетининг математика профессори Галилейни такаббур аслзодалар, черков аҳлилари ёмон кўришарди. Улар Галилейни дайди бир фирибгар деб билишарди. Ахир, у ўз лекцияларини одатдаги қатъий ўқитиш қоидалари асосида эмас, балки худди артистлардек, аллақандай қизиқарли тарзда ўқир эди.

Мана, масалан, Галилей бир куни навбатдаги лекциясида орган деган музика асбобининг найчасига хуштак чалганда, унинг ичидан ҳам айни шу оҳанг янграйди. Профессор бу ҳодисани шогирдларига «акс-садо» деб тушунтирарди. У шогирдларига тоғ чўққисига чиқиб тўппонча отишни буюрар, ўзи эса товушнинг нурга нисбатан ҳаракат тезлиги секинроқ эканини исбот қилиш мақсадида отиш вақтида чиққан чақин билан ўқ овози чиққан вақт ўртасида кечган секундларни ҳисобларди.

Шу тариқа у ҳисоблаш механизмини кашф этди. Унинг бу ҳисоблаш механизми ҳозирги автоматик-электрон ҳисоблаш машиналарининг тимсоли эди.

* * *

Америкалик энтомологлар мевали дарахт барглларини еб ташлайдиган капалак қуртн ва ширасини сўриб олувчи қизил битга қарши кимёвий дориларсиз курашиш йўлини узоқ вақтгача излашди. Охири бу зараркунанда ҳашаротга қарши курашишнинг оддий йўли топилди. Маълум бўлишича, унинг асосий кушандаси хонқизи бўлиб, у ўсимлик битини қириб ташлар экан.

Энди капалак қуртига келсак, уни йўқотишнинг осонгина усулини мутахассис энтомологлар эмас, балки Нью—Йорк штатидаги бир фермеркинг хотини миссис Мартин «кашф» қилди. У далада кунбай ишловчи кишиларни овқатга чақириш учун овчилар бурғусини сотиб олган эди.

Миссис Мартин бурғуни биринчи марта чалгандаёқ, уй атрофида ўсиб турган заранг дарахтларидан юлаб кўк қуртлар тутдек тўкилиб тушди. Шундан сўнг унинг эри бурғу таъсирини ўз боғида қинаб кўрди. Уч соат ичидаёқ дарахтлар зараркунандалардан тозаланди. Эр-хотин бу кутилмаган кашфиётлари ҳақида штатнинг қишлоқ хўжалик коллежига хабар беришди.

Бу биологлар ва акустиклар учун товуш тўлқини механизмини аниқлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

А. АЛИЕВ.

КИТОБЛАР УЧУН ДОРИ

✦ ЖАҲОНДАГИ энг йирик китоб хазиналаридан бири бўлмиш АҚШ конгресси кутубхонаси раҳбарияти фондининг асралиши хусусида ташвишга тушиб қолди. Кутубхона ходимларининг фикрича, бу хазинадаги 14 миллион китобнинг қарийб 25 фонзи жиддий шикастланган.

Китобларнинг қоғозларида сақифаларни емирадиган кислоталарнинг борлиги бунинг асосий сабабидир. Бу муаммо ўтган асрдаёқ АҚШдаги қоғоз чиқарадиган компаниялар эски газлама, латта-путта сингари иккиламчи хом ашёдан фойдаланиш ўрнига ёғочдан целлюлоза тайёрлашга ўтиб, целлюлозага кислота қўша бошлаганларидаёқ пайдо бўлган эди. Бунинг оқибатида кўпчилик китобларнинг сақифалари ҳилвираб қолиб, қўл тегиши билан уваланиб кетмоқда. Кутубхона экспертларининг маълумотларига кўра, ҳар йили 77 минг китоб ана шундай «касалга» чалинмоқда. Китоб ҳазинаси мутахассисларининг фикрича, «бетоб» китоб 50 йил деганда парчаланиб кетади. Қоғоз ишлаб чиқаришнинг эски методлари асосида тайёрланган китоблар эса бир неча асрдан бери «яшамоқда».

«Вашингтон пост» газетасининг хабар беришича, кутубхона раҳбарияти китобларни сақлаб қолишни ўйлаб, аэронавтика ва космик фазони тадқиқ этиш миллий бошқармаси мутахассисларининг ёрдамида бутун бир программа ишлаб чиқди. Кислота емираётган китоблар сақифаларига махсус составдаги диэтилцинк билан ишлов берилади. Бунинг учун китоблар герметик камерага қўйилади. Камерадан ҳаво сўриб олинганидан кейин бу ерга диэтилцинк буғи юборилади, бу буғлар кислота билан реакцияга киришиб, уни емиради. Бир туркум китобларга ишлов бериш учун 50—55 соат кетади. Экспертларнинг ҳисобига қараганда, шу тахлитда ишлов берилган китобларни 150—250 йил асраш мумкин.

(ТАСС).

Сўраган эдингиз

КУЙДИРГИ НИМА

ҲУРМАТЛИ РЕДАКЦИЯ! Яқинда ўртоқларим билан куйдирги касаллиги анча илгари ҳам бўлган дея баҳслашиб қолдим. Кўпчилик бу фикримга эътироз билдирди. Умуман ана шу хавфли дард ҳақида батафсилроқ маълумот беришингизни илтимос қиламан.

Ш. АБДУКАРИМОВ,
Тошкент райони.

Илгари ҳам мавжуд бўлган куйдирги чорва молларидан одамга ўтадиган оғир юқумли касалликдир. Бу ҳасталикни куйдирги таёқчаси номини олган микроб қўзғатади. Аслида унинг зарралари билан нфлосланган сув, яйлов ўтлари, ем-хашаклар касаллик манбаи ҳисобланади. Чорва моллар куйдирги билан оғригач икки-уч кун ичида, баъзан эса бир неча соат ичида ўлади.

Куйдирги уй ҳайвонларидан одамга ўтади. Хусусан, касалланган сигир ва қўйларни, новвосларни сўйганда, гўштини нимталаганда бу дард жуда тез юқади. Куйдирги касаллиги тери, ичак, ўпка ва бошқа аъзоларда учрайди.

У одам терисининг асосан очиқ жойларида — юзида, бўйнида, оёқ ва қўлларида пайдо бўлади. Микроблари терига кирган жойда кичкина қизил доғ ҳосил қилиб қичишади. Кейинчалик пуфакча ва ярага айланади. Орадан икки-уч кун ўтгач, яра қора парда билан қопланади. Яра вужудга келган жой атрофи шишади, лекин бемор ҳеч қандай оғриқ сезмайди, ҳатто игна санчилса ҳам буни ҳис этмайди. Бу дардга чалинган бемор алдатта врачга зудлик билан мурожаат этиши керак, акс ҳолда оқибати хунук бўлади.

А. АБДУБЕКОВ,
Тошкент область саломатлик маркази ходими.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА
6 ОКТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА
ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ
МАЛИКА АҲМЕДОВАнинг

ИЖОДИЙ КЕЧАСИ

КЕЧАДА: **Ўзбекистон ССР Халқ артисти ҒУЛОМЖОН ЕҚУБОВ, Ўзбекистон ССР Халқ артисти ФАРРУХ ЗОКИРОВ раҳбарлигидаги «ЯЛЛА» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ ва Ўзбек Давлат филармониясининг солисти НУРИДДИН ҲАЙДАРОВ қатнашадилар.**

Билетлар театр кассасида соат 10 дан 19.30 гача сотилади. Танаффус — соат 14 дан 15.00 гача.

Справкалар учун телефон — 33-90-81.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги М. Қорнёқубов номли Ўзбек давлат филармонияси

Й. ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ ЎЗБЕК ЁШ ТОМОШАБИНЛАРИ ТЕАТРИДА

5, 6, 7 ОКТЯБРЬ СОАТ 19.30 ДА

ҚОЗОҒИСТОН ССР ДАВЛАТ УЙҒУР ТЕАТРИНИНГ

«НАВА»

уйғур ашула ва рақс миллий ансамбли

КОНЦЕРТИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Қозоғистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби И. С. МАСИМОВ.

БИЛЕТЛАР Й. ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ ЎЗБЕК ЁШ ТОМОШАБИНЛАРИ ТЕАТРИ КАССАСИДА СОАТ 14.00 ДАН СОТИЛМОҚДА.

КОРХОНАЛАР, КООПЕРАТИВЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА РАДИОҲАВАСКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ «АГРОПРОМ» ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ВА ИҚТИСОДИЙ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ

геостанционар алоқа йўлдошлари билан кенг тарқалган схемалар элементлари бўйича оддий телеприёмникларга

МАХСУС, ЯНГИТДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН КОНСТРУКЦИЯДАГИ

ПРИСТАВКАЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Мазкур приставкалардан фойдаланиш турли шаҳарлар ва мамлакатлардан берилаётган телекўрсатувларни аниқ қабул қилиш имконини беради. Содда приставка конструкциясини ҳаваскорлик йўли билан ҳам тайёрлаш мумкин.

Техника ҳужжатларидан қурилмани тайёрлаш ва созлаш бўйича схемалар ва тушунтиришлар ўрин олган.

«АГРОПРОМ» ХЦНТиЭУ ТЕХНИКА ҲУЖЖАТЛАРИНИ СОТАДИ.

Битта конструкция комплектининг шартномавий баҳоси — 225 сўм.

Мурожаат учун адрес: 700000, Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 48-уй.
Телефонлар — 33-43-59, 39-48-24, 75-99-04

СПОРТНИНГ ҚИШКИ ВА ЁЗГИ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ОЛИМПИЯ РЕЗЕРВИ ГРУППАЛАРИНИ ТАЙЁРЛОВЧИ, РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-МАШҚ БИРЛАШМАСИ

ПУЛЛИҚ РИТМИК ГИМНАСТИКА, ФИГУРАЛИ УЧИШ ВА БОЛАЛАР ВА ҚАТТАЛАР УЧУН УМУМИЙ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК СОҒЛОМЛАШТИРИШ ГРУППАЛАРИГА

ҚЎШИМЧА ҚАБУЛ ЎТКАЗАДИ

Группалар ёш категорияларига қараб ташкил этилади.
Группаларга ёзилиш учун саломатлиги ҳақидаги справка, 2 дона фотосурат, паспортни тақдим этиш лозим.
Машғулотлар ҳафтада уч марта тажрибали тренер-методистлар томонидан олиб борилади.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИ:
15 ёшдан бошлаб ритмик гимнастика группаси,
умумий жисмоний тайёргарлик болалар группаси,
фигурали учиш группаси (5 ёшдан бошлаб),
шайбали хоккей группаси (6 ёшдан бошлаб),

РЕСПУБЛИКА ВЕЛОТРЕКИ:
велосипедда умумий жисмоний тайёргарлик группаси.

ТЕННИС САРОЙИ:
ритмик гимнастика группаси (15 ёшдан бошлаб),
«У-шу» хитой гимнастикаси группаси.
ҲАММА ХОҲЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

СПРАВКАЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
Марказий «Юбилей» спорт зали — 46-02-50, 46-70-29, 46-07-53.

Республика велотреки: 29-44-64.
Теннис саройи — 62-76-83, 62-76-84.

СПОРТ

ФУТБОЛ

✦ МАМЛАКАТ чемпионатининг 37-турида Тошкентнинг «Пахтакор» командаси Батумида маҳаллий «Динамо» коллективи меҳмони бўлди. Ўйин 1:0 ҳисобида динамочилар фойдасига ҳал бўлди. Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд қилинди. «Кубань» — «Қайрат» — 1:3, «Торпедо» — «Факел» — 2:2, «Котайк» — «Ростсельмаш» — 2:1, «Металлург» — «Гурия» —1:1, АСК (Р) — «Динамо» (Ст) — 2:1, «Спартак» — «Геолог» — 2:1, «Нефтчи» — «Шинник» — 1:1, «Нистру» — МАСК — 0:0, «Таврия — «Кузбасс» — 1:0.

✦ 1992 ЙИЛ Олимпиада ўйинларига тайёргарликни бошлаб юборган мамлакатимиз олимпия терма командаси футболчилари Киев шаҳарида Болгария олимпия терма командаси билан ўртоқлик учрашувини ўтказди: Ўйин 2:1 ҳисобида мамлакатимиз спортчилари фойдасига ҳал бўлди. Тўпларни Қодиров (14-минут) ҳамда Радченколар (46-минут) киритишди.

ШАХМАТ

✦ ЛОНДОН шаҳрида ўтказилаётган даъвогарлар матчида иккинчи партия ўйналди Анатолий Карпов ва Артур Юсуповлар бу сафар ҳам ўйинни дуранг билан тугатишди. Д. Спилмэн ва Я. Тимман ўйинида эса 31-юришдан сўнг оқ доналар билан ўйнаган Д. Спилмэн мағлубиятини тан олди. Шундан сўнг Я. Тимман биринчи партияда 61-юришдан сўнг кечиктирилган ўйинни дуранг билан якунлашга рози бўлди. Шундай қилиб голландиялик гроссмейстер 1,5:0,5 ҳисобида олдинга ўтиб олди. А. Карпов ва А. Юсуповлар матчида ҳисоб ҳозирча 1:1.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/Х да **Мирзо Улуғбек,** (16.00, билетлар сотилган, 7/Х да **Ўғрини қароқчи урди** (Билетлар сотилган, 16.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/Х да **Тошболта ошиқ,** 7/Х да **Концерт,**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/Х да **Зиёфат** (19.00) 7/Х да **Парвона.**

Тошкент область корхоналар ва муассасалар диққатига!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КОМИТЕТИ **ҚУЙИДАГИ АДРЕСДА ЖОЙЛАШГАН:**

700143, Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси, 235-уй (1, 16, 24, 101, 105-автобусларнинг «Луначарский маркази» бекати).

Телефонлар — 65-06-46, 65-81-52.

Тошкент область табиатни муҳофаза қилиш комитети.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916; 325748; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БЎЛИМЛАР: идеология — 325778; агросаноат — 325647; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий советлар ҳаёти — 325733; социал масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325645; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи совет қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

Р. — 12000. Узбекистон Компартиясн Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64684. Б. — 1698. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12